ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
31-dekabr
juma
№ 51-52 (1272)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

БОҒИНГ ВАТАН ДЕГАН НОМ ОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ...

Ўтган асрнинг 60-йилларида Ховос тумани “Фарҳод” хўжалигининг 5-бўлимига республикамизнинг турли гўшаларидан одамлар кўчиб келиб, даштни бир умрлик ватан қилишди. Бўз ерларда ертўлалардан иборат янги қишлоқлар пайдо бўлди. Ҳозир бу қишлоқлар Гулбаҳор маҳалла фуқаролар йиғинига бирлашган. Аҳолининг томи тошларини кўриб ҳавасингиз келади.

Қишлоқнинг шундоқ кираверишида Умарали халфа (одамлар уни шундай аташарди) деган киши кўч-кўрони билан қўним топди. У кишининг биринчи иши йўл бўйидаги ариқнинг 500 метр жойига қоратол қаламчаларини суқиб чиқиш бўлди. Биринчи йилиёқ қаламчалар амал олиб, кўкка бўй чўзди. Орадан йиллар ўтиб, йўл бўйи тангадек офтоб нури тушмайдиган қуюқ дарахтзорга айланди. Ёзнинг жазирама кунларида ўтган-кетганлар толлар соясида бирпас тин олиб, унинг соҳибига дуолар қиладиган бўлишди. Худо раҳмат қилган бўлсин, Умарали халфанинг боқий дунёга кетганига анча бўлди. Лекин одамлар у ўтқазган дарахтлар остида соялаганларида марҳумнинг руҳига тиловат қилишни унутишмайди. “Умарали халфанинг толзори”, дея эслаб юришади. Шунда менинг эсимга халқимиз тўқиган пурҳикмат мақол келади: “Отангнинг тол эккани – ўзига ном эккани”. Топиб айтилган ҳикмат.

Тарих саҳифаларини ўқиш асно буюк бобокалонларимиз Соҳибқирон Амир Темур, Бобур мирзо ва бошқа ҳукмдорлар яратиб кетган боғлар улар номини етти иқлимга достон қилганини биламиз. Соҳибқирон Амир Темур яратган боғроғлар номининг ўзи бир қўшиқ: “Боғи Беҳишт”, “Боғи Баланд”, “Боғи Дилкушо”, “Боғи Майдон”, “Боғи Нав”, “Боғи Шамол”, “Боғи Зоғон”, “Боғи Чинор”, “Боғи Нақши Жаҳон”...

2 - б.



Муҳаммад Юсуф,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИ

Кўнгил маъюс тортди йилнинг сўнггида,
Билмам, ниманг билан сеҳрладинг, қор.
Бугун куппа-кундуз кўзим ўнгида,
Яна бир ёшимни ўғирладинг, қор.

Қирқинчи қасримга ўтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?..
Баҳорим етгудек қўлим узатсам,
Етолмай дилимни не деб юпатсам.

Лайлакқор, азизим, ғалат байрам бу —
Кулиб кузатсамми, йиғлаб кузатсам…
Дардим жим ичимга ютайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?

Сўрсанг, севинчимдан ўкинчим кўпроқ,
Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ.
Йилим келмай туриб, йилим кетмоқда,
Кўзда табассум-у киприкда титроқ.

Мен ҳам сал шошдим-да, қайтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?
Янги йил,
Келавер қандай келсанг ҳам,
Кимлар етди сенга, кимлар етмади.

Сен янги йўлдошсан, сен янги ҳамдам,
Йўқлаб келганингни ўзи бир байрам.
Қулоғингга бир гап айтайми, энди,
Кечаги ёшлигим эртакми, энди…

ЎЗЛИК

ҲУЖЖАТ ҚАНДАЙ ЮРИТИЛАДИ?

ёхуд Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Китобат ул-атфол” асарини ўқиганмисиз?

Туркистон ўлкасида ҳужжатчилик ва тил тарихида мавжуд қоидаларга асосланган манбаларни ҳисобга олмасдан, уларни тарихий тажрибасидаги ижобий ва салбий жиҳатларини чуқур илмий таҳлил қилмасдан, ҳозирги ҳужжатчилик ва тил тарихининг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниш ва баҳолаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз тарихий қимматга эга бўлган асарларини ўрганиш ва уларни келажак авлодларга етказиш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ХХ аср бошларида ҳужжатчилик ва тил тарихида яратилган асарлар бугунги кунда ҳам ўзининг қадрини ва қимматини йўқотган эмас.

Шундай асарлардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан ёзилган “Китобат ул-атфол” (Болалар учун ёзув китоби) китоби. 1908 йили Самарқандда нашр қилинган. Инқилобгача икки марта чоп этилди. Иккинчиси 1914 йилда қайта чиқарилган. У ўзбек ва форс тилларида ёзилган.

“Китобат ул-атфол” китоби Беҳбудий томонидан ХХ аср бошларида усули жадида мактабларига ҳужжатчилик ва тил қоидаларини ўргатиш мақсадида яратилган янги усулдаги услубий қўлланма ҳисобланади. У ХХ аср бошида Туркистон ўлкасида ҳужжат юритиш ва тил соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш нуқтаи назаридан тузилган.

Қўлланмада ҳужжат юритиш қоидалари ўз аксини топган бўлиб, яъни ота ва онанинг болаларга муносабатлари; ота-она олдидаги бурчи; болаларнинг ҳуқуқлари; хат ёзмоқнинг қоидалари ва шартлари; маҳаллий ҳокимиятга ариза ёзиш; маълумотнома; тасдиқнома; мамлакат фуқаролиги учун ва хорижий паспорт бериш; шаҳодатнома; тилхат каби ҳужжат намуналарининг ёзилиш тартиби ва қоидалари ўз аксини топган.

11 - б.

МАЪЛУМОТ

2021 йилда дунёда 400 нафар янги миллиардер пайдо бўлди. 17 декабрь ҳолатига кўра, айни вақтда дунёда 2600 нафардан кўпроқ миллиардер бор бўлиб, уларнинг умумий бойлиги 14 трлн долларга яқинни ташкил қилади. Бу ҳақда “Forbes” нашри хабар берди.

Аёллар орасида энг бой янги миллиардер Мириам Адельсон бўлди. У бир нечта казино эгаси бўлган америкалик Шелдон Адельсоннинг беваси ҳисобланади. Адельсон марҳум турмуш ўртоғи капиталининг асосий қисмини ташкил қилган Las Vegas Sands компаниясидаги улушини мерос қилиб олган. Мутахассислар ушбу улушни 27,1 млрд. долларга баҳолашмоқда.

Миллиардерлар клубига кирган янги аъзоларнинг кўпчилиги Хитойдан бўлиб, ушбу давлатда бир йил ичида 160 нафар янги миллиардер пайдо бўлган. Бу борада Хитой ортидан деярли 100 нафар янги миллиардер билан АҚШ келмоқда. Ҳиндистон ва Германияда миллиардерлар сони 20дан кўпроққа, Швецияда 12 нафарга кўпайган. Тўртта давлатда биринчи миллиардерлар айнан 2021 йилда пайдо бўлган.

Жумладан, Болгарияда ака-ука Кирилл ва Георги Домушиевлар миллиардерлар сафига кирган. Улар ўз империяларини ветеринария маҳсулотлари, юк ташувлари, кўчмас мулк бизнеси ва футбол орқали қуришган. Айни вақтда тадбиркорларнинг бойлиги 4,2 млрд. долларга баҳоланмоқда.

МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Темурийлар Уйғониш даврининг энг буюк кишиларидан бўлган Алишер Навоийнинг ҳаёти, фаолияти, бой ва ранг-баранг ижоди ва дурдона асарлари ҳақидаги қимматли маълумотлар ўз даврида яратилган адабий ҳамда тарихий манбаларда юксак эътироф билан битилган. ХХ ва ХХI аср ўзбек адабиётида эса ўзбек адиблари томонидан Алишер Навоий сиймоси шеър, достон, баллада, драма, ҳикоя, қисса, роман каби турли жанрлардаги асарларда маҳорат билан бадиий талқин қилинган.

НАВОИЙ СИЙМОСИНИНГ БЕТАКРОР ТАЛҚИНИ

Фикримизнинг исботи учун катталарга ва болаларга мўлжаллаб битилган Иззат Султоннинг “Навоий” драмаси, Ойбекнинг “Бола Алишер” қиссаси, “Навоий” романи, Мақсуд Шайхзоданинг “Ўртоқ Навоий” балладаси, Миркарим Осимнинг “Язд чўли” ҳикояси (Адиб Алишер Навоийга бағишлаб 11 та ҳикоя ёзган ва уларни жамлаб “Зулмат ичра нур” номи билан нашр қилган – Б.Р.), Қўлдош Мирзонинг “Мубтало бўлдим сенга” қиссаси, Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” драмаси, “Ишқ аҳли” романи, Исажон Султоннинг “Навоий” романи каби ўқишли бадиий асарларни санаб кўрсатишимиз мумкин. Рус тилида маҳорат билан битилган улуғ Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди, темурийлар Уйғониш даври, замондошлари ва унинг асарлари, шоҳбайтлари ҳақидаги таниқли адиба Лидия Батнинг “Ҳаёт бўстони” номли қизиқарли асари шулар жумласидандир.

Адибанинг ўзбек халқи ҳаёти ва бадиий адабиёти билан яқин алоқаси унинг Тошкентда (1941–44 йй.) яшаган йилларида бошланган. Маълумки, у Ўзбекистон пойтахтига Иккинчи жаҳон уруши даврида қамалда қолган Москва ва Ленинграддан эвакуация қилинган бир гуруҳ зиёлилар қаторида келган. Меҳмондўст она халқимиз уларга жуда катта меҳру муҳаббат, ёрдам кўрсатиб, бир бурда қора нонини бирга бўлишиб ейиш билан кифояланмай, уларнинг ижодлари ва илмий тадқиқотлари тўхтаб қолмаслиги учун барча шароитларни ҳам яратиб беришган. Ўз навбатида, бу ижод аҳли вақт ўтиб фидойи халқимизнинг бундай олийжанобликларини ўзларининг асарларида юксак пардаларда тараннум этишган.

Жумладан, Лидия Бать ҳам азим Тошкентда яшар экан, ўзбек адиб ва олимлари билан дўстона алоқада бўлган ҳамда бу каби адабий, маданий алоқаларни умрининг охиригача изчил равишда давом эттирган.

7 - б.

БОҒИНГ ВАТАН ДЕГАН НОМ ОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ...

1-б.

“Темур тузуклари”даги мана бу сўзлар Соҳибқирон бобомизнинг яратувчилик салоҳиятидан мужда беради: *“Ҳамишалиғ таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат — бир кунмас-бир кун мевасини татирсен…”* Айни дамда Самарқанд вилоятида бу боғларнинг айримларини тиклаш бўйича ҳаракатлар бошланиб кетгани ҳақидаги хабарларни ОАВда ўқиб турибмиз. Бу туризмни ривожлантириш, экологияни яхшилашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Ўтган йили Шаҳрисабзга борганимизда Амир Темур даврида экилган танаси қучоққа сиғмайдиган чинорни кўриб ҳайратга тушган эдик. Қўлларимизни қўлларимизга бериб қўрғалаганча буюк бобомизни кўрган азим чинорни тавоф қилган эдик. Гапимизнинг ройиши қаёққа кетаётганини сезган чиқарсиз. Ўқиб бохабар бўлинг унда.

Бундан уч йил муқаддам Ховос туманида фоний дунёдан боқийликка рихлат қилган устоз ўқитувчиларни хотирлашга бағишланган тадбир бўлди. Шунда меҳнат фахрийси, Андоқул ҳожи Тўхлиев минбарга кўтарилиб, бир долзарб муаммони ўртага ташлади. Республикамизнинг биринчи раҳбари Шароф Рашидов ҳудудга ташриф буюрганларида темир йўл устига қурилган осма кўприкдан туман маркази “Фарҳод-5 қўрғони”га (ҳозир марказ Ховос шаҳарчасига кўчирилган) бориладиган йўл бўйига бир туп арча кўчати экканлигини, ҳозир шу дарахт кўкка бўй чўзиб яшнаб турганлигини айтди. Бироқ таассуфли ҳолатни ҳам яширмади. Дарахт қаровсиз ётганлигидан, атрофи ўралмаганидан ёзғириб гапирди. Улуғларимиз ўтқазган бундай дарахтларни жонли обида сифатида асраб-авайлаб, атрофини ўраб, чиройли лавҳалар ўрнатиш таклифини ўртага ташлади. Одамлар зиёрат қиладиган жойга айлантириш лозимлигини урғулади.

Шу йиғилишдан кейин камина Шароф ота эккан дарахтни излаб бордим. Ҳақиқатан дарахт анча улғайган. Масалани туман ҳокимлиги олдига қўйдик. Бироқ таҳририятимиз йўллаган хат жавобсиз қолди. Шу орада туман ҳокими ишдан бўшаб, янгиси келди. Муаммо ҳалигача ечимини топмай турибди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида миллатимиз намояндалари ўтқазган дарахтлар учрайди. Бироқ уларни асраб-авайлашга, экканларнинг номини битиб қўйишга эътибор берилмаяпти.

Бу йил атоқли давлат арбоби Усмон Юсуповнинг 120 йиллиги нишонланди. Юбилей арафасида Усмон ота бир вақтлар раҳбарлик қилган Боёвут туманидаги “2-Боёвут” хўжалигига бориб, у киши билан бирга ишлаган меҳнат фахрийлари билан гурунглашдик. 90 ёшнинг устидаги Абдурасул ота Абдуллаев:

— Усмон отанинг энг катта қилган иши хўжаликнинг барча бўлимларида боғлар яратгани бўлди, — дедилар. — Ҳар бир картанинг бошида иҳота дарахтзорлари ташкил этдилар. Бу яшил девор экинларни чўл шамоллари, чанг-ғуборлардан сақлар эди.

Афсуски, кейинги пайтларда мана шундай яшил қалқонлар бутунлай патарат топди. Бироқ Усмон ота яратиб кетган боғлар эл орасида ул зотни абадиятга муҳрлаб кетди.

Андоқул ҳожи Тўқлиевнинг юқоридаги гапидан кейин жойларга сафарга чиққанимда улуғларимиз эккан дарахтларни сўроқлай бошладим. Сайхунобод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг боғига 1981 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов бир туп ясень (шумтол) эккан экан. Мактаб директорининг хонасида шоир кўчат эккан жараён муҳрланган расмлар жамланган альбом ҳам бор экан. Лекин суратлар анча униқиб хира тортиб қолибди. Альбомни мазза қилиб варақладим. Каминани қувонтиргани дарахт атрофи ўралиб, ўриндиқлар ўрнатилибди. Дарахтга чиройли лавҳа илиб қўйилибди. Баҳор, ёз ва куз ойларида дарахт тагида турли адабий тадбирлар ўтказилар экан. Айниқса, шоир шеърлари бўйича ўтказиладиган мушояраларнинг файзи ўзгача бўларкан. Гўё ўқувчилар ёд ўқиган шеърларни дарахт тимсолида Эркин ака кузатиб тургандай. Шу пайт қулоғим остида ҳассос шоиримизнинг майин овозда ўқиган шеъри жаранглагандай бўлиб кетди.

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини Яхшилик ата.
Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.
Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга Меҳр деб от қўй.
Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.

Ишончим комилки, мамлакатимизнинг барча гўшаларида улуғларимиз ўтқазган дарахтлар исталганча топилади. Бу жараён айниқса, сўнгги уч-тўрт йил миёнасида ўзининг авж палласига кирди. Президентимиз, олиму адибларимиз, фузалою қаҳрамонларимиз хизмат юзасидан жойларга чиққанларида боғ ва хиёбонларга, олий ўқув юртлари ва мактаблар ҳовлиларига турли мевали ҳамда манзарали кўчатларни ўтқазишмоқда. Уларни иҳоталаб, кўчат эккан улуғларнинг номлари ёзиб қўйилса, зиёрат қиладиган жойларимиз янада кўпайган бўларди. Сирдарё вилоятида эса Шароф ота ўтқазган дарахтлар анчагина экан. Бироқ уларни асраб-авайлаш, парваришлаш талаб даражасида эмас.

Президентимизнинг ташаббуслари билан бу йил “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси олға сурилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юз минглаб манзарали кўчатлар ўтқазилди. Улар ҳар бирининг ўз эгаси бўлгандагина мамлакатимиз ўрмонзорга, яшил маконга айланади. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими ташаббуси билан биз ҳам Сирдарё туманидаги “SXM-Jurnalist” фермер хўжалиги боғига 60 туп мевали дарахт кўчати ўтказдик. Ҳар бир журналист 2 тупдан кўчатни парваришлаш ва қарашни ўз гарданига олди. Яқин келажакда бу боғни вилоят журналистлари дам оладиган сўлим гўшага айлантирмоқчимиз.

Хуллас, айтмоқчимизки, барчамиз дарахт кўчатлари экишдан толмайлик ва ўз номимизни табиат дафтарига муҳрлаб қўяйлик. Улуғларимиз ўтқазган дарахтларни эса кўз қорачиғимиздек асрайлик. Мутасадди ташкилотлар экилган дарахтларни рўйхатга олиб, паспортлаштирсинлар. Бунинг учун жамиятимизда кучлар етарлидир. Биз қаламга олган муаммоларни жойларда Эко-партия, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, маҳаллий ҳокимликлар назорат қилиб, адолатни қарор топтирадилар, деган умиддамиз.

Муҳаммадали АҲМАД,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

“Сайхун” ёшлар фестивали доирасида “Дўстлик” форуми иштирокчилари – қозоғистонлик бир гуруҳ ёшлар Гулистон шаҳрида бўлишди. Уларни шаҳардаги “Билимдонлар маскани”да сирдарёлик тенгдошлари тантанали кутиб олдилар.

ЮРАКЛАРДА ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Форум иштирокчилари дастлаб, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйишди. Вилоят мусиқали драма театри фойесида ўзбек-қозоқ халқлари тарихи ва қадриятларига бағишланган тақдимот намойиш этилди.

Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти ёшлар ресурслари маркази раҳбари Ерассйл Толебаев бошчилигидаги ёшлар делегацияси “Дўстлик кўприги!” шиори остида ташкиллаштирилган концерт дастурини томоша қилдилар. Тадбирда янграган икки халқ қардошлигини тараннум этувчи куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

Сўнгра қозоғистонлик меҳмонлар “Қабуллар уйи”да вилоят ҳокими, сенатор Ғофуржон Мирзаев билан учрашдилар.

Учрашувда вилоят ҳокими азал-азалдан қардош ҳисобланган ўзбек ва қозоқ халқларининг ҳар жиҳатдан бир-бирига яқинлиги, биродарлигини таъкидлади.

—Ўзбек ва қозоқ дўстлиги азалий ва абадийдир. Ўзбек ҳамиша қозоқ биродарини “жигарим”, деб ардоқлайди, қозоқ ўзбекни “ўз оғам”, дея эъзозлайди, – деди Ғофуржон Мирзаев. – Сизларнинг машҳур оқинингиз Абай қозоқ халқини дунёга танитди, қозоқ халқи эса Абайни оламга машҳур қилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Абайнинг ўзбек халқига меҳр-муҳаббати катта бўлган. У “Ўзбекдан дўстинг бўлса оч қолмайсан, қозоқдан дўстинг бўлса йўлда адашмайсан”, дея ўзбек халқига юксак баҳо берган.

Вилоят ҳокими учрашув давомида қозоғистонлик меҳмонларга Сирдарё заминида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари ҳақида сўзлар экан, юртимизни янада ривожлантириш йўлида қўшни давлатлар билан барча соҳаларда алоқаларни кучайтириш, айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Президенти Қасим-Жомард Токаевларнинг икки қардош халқларимизнинг абадий биродарлиги ва манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Шундан сўнг истеъдодли ёш ижодкорлар икки миллат халқи ижодидан мушоира уюштириб, бахшичиликда дўстона беллашдилар.

— Форумдан катта таассуротга эга бўлдик, – деди Ерассйл Толебаев. – Дўстлигимизни янада мустаҳкамлаб, элларимиз ўзаро дўстлик ва ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишда биз, қозоғистонлик ёшлар ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Сизлар бошлаб берган “Дўстлик” форуми халқларимиз ўртасида ҳақиқий “Дўстлик кўприги” бўлиб хизмат қилади. Энди сирдарёлик ёшларни Туркистонда кутиб қоламиз.

Учрашув якунида Сирдарё вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев қозоғистонлик меҳмонларга “Дўстлик” форуми статуэткаси ва эсдалик совғаларини топширди.

Ғулом ПРИМОВ,
журналист.

ТАДБИР

“ЗУККО БОЛАЖОН!”

Болалар бу дунёнинг энг катта мўъжизасидир. Мурғак қалбларнинг кўзларидаги қувонч, шодон кулгулари бутун оламни ёритадигандек гўё. Бугунги кунда ҳар бир ота-она, бутун жамият биргаликда уларнинг бахту саодати, фаровон келажаги, авлодларга муносиб авлод бўлиб вояга етиши учун ҳаракат қилмоқда.

Эртамиз эгалари бўлган фарзандларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жаҳон андозаларига мувофиқ билим олиши, маънавий камол топиши учун етарлича шарт-шароитлар яратилмоқда. Зеро, бир боланинг аждодларига муносиб авлод бўлиб, тани сиҳатликда, комил инсон бўлиб вояга етиши нафақат ота-онанинг бахти, жамиятнинг катта ютуғи ҳамдир.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал ахлоқий-эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим муассасаларини миллий-маданий ва тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотадиган турли адабиётлар билан таъминлаш вазифалари бугун ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилмоқда. Болаларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, урф-одат, муқаддас анъаналаримизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, аждодларга муносиб авлод қилиб тарбиялаш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ва нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан “Зукко Болажон!” фотоальбоми тайёрланди.

Тошкент музейида куни-кеча ушбу фотоальбомнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тақдимот “Зукко Болажон!” фотокўргазмасининг очилиш маросими билан бошланди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар Республика Маънавият ва маърифат маркази “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан фарзандларимизнинг билим олиши борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари учун ҳам “Маънавият фестивали” доирасида “Болаларга маърифат улашиб”, “Маърифат тур”, “Бахтли болалик” лойиҳалари амалга оширилди. Лойиҳа доирасида 10 минг нафарга яқин болалар қамраб олинди.

Тақдимот давомида “Зукко Болажон!” фотоальбомини тайёрлашда асосан қандай жиҳатларга эътибор қаратилганлиги тўғрисида гап борди.

– 2017 йилда мавжуд бўлган 5 211 мактабгача таълим ташкилоти сони бугунги кунга келиб 24 922 тага етди. Уларда 4 йил аввал 3-7 ёшдаги болаларнинг 27,2 фоизи таълим олган. Ҳозир бу кўрсаткич 64,9 фоизни ташкил этмоқда, яъни 1 829 328 нафар бола мактабгача таълим билан қамраб олинган. Кўриниб турибдики, қамров даражаси ошгани сайин, ўқув материалларига бўлган талаб ҳам ортиб боради. Айтиш керакки, мактабгача таълим тизимида болалар маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган, ижтимоий хулқ мотивларини шакллантирадиган, миллий анъаналарга қизиқишни пайдо қиладиган, ўзини намоён қилишга, интилишига олиб келадиган кўргазмали қуроллар, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ҳам замон талабига айланган. Буни чуқур англаган ҳолда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Зукко Болажон!” фотоальбом тузиб чиқдик. Бунда даставвал, мамлакатимизнинг етакчи мутахассислари: педагог, болалар психологи, лойиҳа координатори, дизайнер, фотограф, режиссёр билан ҳамкорликда фотожурнал тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи шакллантирилди. Фарзандларимизга миллий анъаналаримизга хос таълим, тарбия ҳамда унутилиб бораётган одоб меъёрларини ёдга соладиган 51 ҳолатни ўзида акс этган сценарий тайёрланди, – деди “Маърифат” тарғиботчилар жамияти матбуот котиби Алишер Азимов.

Шунингдек, матбуот маросимида иштирок этган таниқли қўшиқчилар, шоир ва шоиралар болалар ҳақидаги ижод намуналари билан йиғилганларга хуш кайфият улашдилар.

Тадбир сўнгида “Зукко Болажон!” фотоальбоми ижодий гуруҳига ташкилотчилар томонидан ташаккурномалар ҳамда болажонлар учун совғалар тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА

Олий Мажлис Сенати, Қурилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги диққатига!

Тўхтанг! Тошкентга Марказий парк керак!

Бу (суратдаги таҳ.) Нью-Йоркдаги Марказий парк. Ташкил этилганига 160 йилдан ошган. Бу парк дунёдаги энг қудратли мамлакатнинг энг машҳур қисмида – Манхэттенда жойлашган.

Мазкур шаҳарда бир қарич ер олтиндан ҳам қиммат. Унга манаман деган бойлар инвестиция киритишга, қурилиш қилишга тайёр. Лекин шунча йилки, ушбу парк ўз ҳолича сақлаб қолинган. Қанча мэрлар, қанча қурилиш вазирлари келиб кетган, парк эса барҳаёт.



Бу эса Тошкентдаги Миллий боғ. Унинг ташкил этилганига жуда кўп бўлгани йўқ. Лекин бориям йўқ бўлиб кетаяпти. Аввал бирови келиб “City Makon” қурди, бошқаси “Discovery Invest” қилди. Таэквондо федерацияси, меҳмонхона шу ерга тиқилди. Кўл қуритилиб, дарахтлар кесилиб, “Magic City” қурилди.

Энди нима эмиш: боғ ҳудудида халқаро илмий-тадқиқот маркази, кутубхона, театр ва санъат музейи қурилармиш.

Бошқа жойда қуриш учун бош қотириш, ишлаш керак-да, а?! Президент таклиф бер деса, шартта боғнинг бир чеккасини кўрсатасизлар.

Илтимос сизлардан, шу паркларга тегмайлик. Америкаликлар бундан 200 йил олдин тушуниб етган нарсани биз ҳеч бўлмаса энди қилайлик. Миллий боғними ё бошқасиними танлаб олиб, бетонлардан, аттракционлардан ҳоли боққа айлантирайлик. Майли, “бир миллион туп кўчат” экманглар, борини асраб қолинглар, барака топгурлар.

PS: *кейинги йил Конституцияга ўзгартириш киритилади, дейишяпти. Шу аснода боғларни асрашни, унда қурилиш қилиб бўлмаслигини ҳам конституциявий белгилаб қўйиш керак, деб ўйлаймиз.*

Манба:Platforma.uz

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

Тошкент томонга йўл олган киши борки, Самарқанддан ўтгандан сўнг об-ҳавонинг ўзгарганини дарров сезади. Чунки сиз шу пайтда меридиан чизиқлари кесишган Ғаллаорол туманига кириб келасиз. Нуротанинг туя ўркачли тизма тоғлари ҳамда Ғўбдин тоғлари билан ўралган Ғаллаорол ўзининг табиати, ери, иқлими жиҳатидан мамлакатимизда алоҳида ўрин тутади.

ҒЎБДИНТОҒ МАРЖОНБУЛОҒИ

Ғаллаорол замини асосан даштдан, яъни суғорилмайдиган ерлардан иборат. Лекин бу заминда ерости хазинаси беқиёс. Тумандаги “Маржонбулоқ” олтин кони мамлакатимизга энг юқори сифатли олтин етказиб беради. Шунингдек, Қўйтош конларидан қазиб олинган вольфрам метали оддий лампочкадан тортиб, космик ракеталар ясалишида ҳам ишлатилади. Қолаверса, даштларда ёйилиб юрган сурув-сурув қўйларининг саноғи йўқ. Хуллас, Ғаллаоролни саноат, чорвачилик, деҳқончилик тумани, десак янглишмаган бўламиз.

Нурота тоғ тизмаларининг Ғўбдинтоғ ҳудудларида 1955-1975 йиллар мобайнида олиб борилган геологик-қидирув ишлари натижасида бу ерларда истиқболли олтин захиралари борлиги аниқланган. Ўша даврларда республикамизнинг биринчи раҳбари бўлган Шароф Рашидов ҳудудда саноатни жадал суръатларда ривожлантириш ва олтин захираларини ўзлаштириш учун “Маржонбулоқ” кони ва Маржонбулоқ шаҳрини бунёд этишга асос солган эди. Шундан буён ушбу заминда саноат ривожланди, кўплаб кончилар, металлурглар, геологу маркшейдерлар етишиб чиқди. Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган саноат ходимлари авлоди шакилланди.

2002 йилда кон тарихида из қолдирадиган воқеа рўй берди. Ҳукуматимиз қарори билан “Маржонбулоқ” ва “Зармитан” конлари Навоий кон-металлургия комбинати таркибига ўтказилди. Ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологиялар жорий этилди, мутахассислар малакаси оширилди. Қарийб йигирма йилдирки, “Маржонбулоқ” олтин кони жамоаси давлатимиз хазинаси учун муҳим маҳсулот – олтин ишлаб чиқаришда белгиланган режаларни бажариб келаяпти.

“Маржонбулоқ” кони олтин бойитиш цехи жамоасининг ишчанлик кайфиятига гувоҳ бўлдик. Цехда йигирма саккиз йилдан буён гидрометаллург аппаратчи сифатида меҳнат қилиб келаётган Саиднаби Асадуллаев эътиборимизни тортди. Жамоада ҳурматга сазовор бу инсоннинг шогирдлари ҳам кўп экан. Улар “Маржонбулоқ” кони бошлиғи Элбой Холмуродов, участка бошлиғи Баҳром Аҳмедов, гидрометаллург аппаратчилар Зафар Дулонов, Комил Ҳасанов, Эгамберди Қўлдошевлардир.

Цехда ўтаётган 2021 йилда олтин ажратиб олиш давлат режаси ва маъданни қайта ишлаш режаси ортиғи билан уддаланди. Корхонада инновацион ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги, технологик жараёнда ишлатилаётган реагентлар ва асбоб-ускуналарнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлиги боис импорт маҳсулотларга бўлган эҳтиёж камайди. Пировардида валюта маблағлари тежалди. Охирги ўн йилда инновацион ишланмаларнинг муваффақиятли қўлланилиши иқтисодий самарадорликни 7 мартага оширди. Маҳаллий маҳсулотларнинг қўлланилиши жорий йилнинг якунида корхонада 15 миллиард сўм маблағнинг тежалишига олиб келиши кутилмоқда.

Сульфидли маъданларни таркибида органик углероддан имкон қадар тозалаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб қуритиш печларида флотоконцентрантнинг намлик даражаси пасайтирилиб, сўнгра куйдириш печларига ўтказилаётганлиги яхши натижа бераяпти. Қуритиш ва куйдириш жараёнларида ҳавога чиқаётган чангларнинг миқдорини камайтириш борасида Навоий давлат кончилик институти олимлари билан ҳамкорликда чангни тутиб қолувчи скруббер ишлаб чиқилди. Янги қурилма синовдан муваффақиятли ўтгандан сўнг 4-гидрометаллургия заводида ҳам қўлланилмоқда.

Албатта, бундай ютуқларнинг қўлга киритилишида жонкуяр ва тажрибали мутахассисларнинг алоҳида ўрни бор. Улар майдалаш бўлими тегирмон машинисти Тўлқин Равшанов, саноат тажриба участкаси концентраторчиси Ҳабибулло Тўхтаев, механика бўлими токари Ўткир Абдиев, пайвандловчи Абдурашид Абдулқосимов, чилангар Шуҳрат Избосаров ва электрчилангар Лутфилло Пардаевлардир.

“Маржонбулоқ” кони олтин бойитиш цехининг бир маромда ишлаши корхонага маъданнинг ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ.

– Ишлаб чиқаришда шундай маромни таъминлаш учун коннинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди “Маржонбулоқ” кони бошлиғининг умумий масалалари бўйича ўринбосари Ширинбой Маматов. — Жумладан, 2020 йилда 10 та “БелАЗ” автоағдаргичи, 2 та “Исузи” автобуси, ўнга яқин турли енгил транспорт воситалари келтирилганлиги иш унумдорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Конда 5 кубометрлик экскаваторни моҳирлик билан бошқараётган машинист Неъматилло Жабборовни суҳбатга тортдик. У киши бир неча йилдирки, шу касбда ишлаб, меҳнати туфайли бахт топаётганлиги, оиласи фаровонлигини ғурурланиб гапирди. Бу жараённи кузатиб турган “БелАЗ” автоағдаргичи ҳайдовчилари Самандар Исматов ва Аслиддин Исломовлар янги техникаларнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб беришди.

Ҳа, шундай. Жиззахнинг кенг адирларию пурвиқор тоғлари орасида жойлашган саноат корхоналарида туну кун фаолият юритиб, давлат хазинасига ўз улушларини қўшаётганларнинг ҳар бир куни фидокорона меҳнат билан ўтаяпти. “Маржонбулоқ” конида меҳнат қилаётган 1,5 минг нафарга яқин кончиларнинг келгусидаги режалари улуғ. Жамоа ана шу режаларни рўёбга чиқариш йўлида астойдил изланяпти, меҳнат қиляпти.

Азамат ЗАРИПОВ,
журналист.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Унинг жисми ва ҳаётини ички эмас, балки миллат ғам-ташвиши абгор қилганди. Чунки миллат тараққиётдан орқада қолган, бор ташвиши кун кўришдангина иборат бўлган авом бошида мустамлакачилик қиличи ўйнамоқда эди. Шундай таҳликали вазиятда ҳам миллати дардига дармон бўлишни истаб, ҳаётини хавф-хатарда ўтказган инсон шоир Тавалло эди...

Тавалло тахаллуси билан ижод қилган Тўлаган Хўжамиёров 1883 йили Тошкентнинг Кўкча даҳасида туғилган эди. Унинг ҳаёти оқ ва қизил мустамлакачилик ҳукм сурган даврга тўғри келгани боис, азоб-уқубатлар билан ўтди. Тавалло ўзига тўқ, мулкдор отаси Хўжамиёр Жиянбоевнинг ер-сувидан фойдаланиб, савдо ташвишлари билан ҳаётини ўтказиши ҳам мумкин эди. Шу тарзда умри бойваччаларникидек ўтмаса-да, ўртаҳол замондошлариники каби бир маромда кечган бўларди. Аммо Яратган Эгам унга туғма ижодий қобилият туҳфа қилган эди. Ижодга ошнолик, халқ ҳаётига яқинлик эса ижтимоий турмушга фаол аралашишга ундади. Қорасоч, қўйкўз, бўйи анча паст, атиги бир ярим метр бўлган бу инсон фидойи бўлмаганида, балки умри кузатув остида ўтмас, 1938 йилда отилиб ҳам кетмасди.

ТАВАЛЛОНИЙ ИЗТИРОБЛАРИ

Тўлаган Хўжамиёров дастлаб эски мактабда, кейин “Бекларбеги” мадрасасида, рус-тузем мактабида таҳсил олади. Олдинига Тошкентдаги бир фабрикантнинг қўлида, 1900 йилдан эса отасининг маслаҳати билан Пржевальскга бориб бир тадбиркор танишининг қўлида ишлайди. Рус тилини мукаммал ўрганади, тижорат ва ҳаёт сабоқларини олади. 1909 йилда отаси вафот этгани сабабли Тошкентга қайтиб келади. Бу пайтлар ХХ-аср бошида чор мустамлакачилиги асоратидаги ўлкаларда миллий уйғониш кучаяётган давр эди. Ақл-идрокли ҳаммаслаклари бўлган Мунаввар қори, Ҳусанхўжа Дадахўжаев, Саидабдулло Саидазимбоев, Комилбек Норбеков, Юсуф Сарёмий, Абдулла Авлонийлар билан Тўлаган ҳам империя чангалидан озод бўлишга имконият юзага келаётганини сезиб, турли нашриёт, газета, жамиятлар тузиш орқали авомни “уйқудан уйғотиш”га интилди.

Бу орада Руссияда 1917 йил октябридаги давлат тўнтариши бўлиб, мустамлакачилик большевиклар тусидаги қизил рангга ўзгарди холос. Шундай бўлса-да, Тавалло ёшларнинг маърифатли бўлишини истаб, 1918 йилда Тошкентда янги мактаб ташкил этишга бош бўлади. Шунингдек, ўз маҳалласида камбағалхона ташкил қилиб, давр сабаб оч-наҳор, етим-есир бўлиб қолганларга озиқ-овқат, кийим бош тарқатишгаям ҳаракат қилди. Бу пайтда Тавалло большевикларнинг мустамлакачилиги авжига чиқаётганлигидан доим зорланарди. Бу ҳолатни “авом халқ ўзаро нифоқ ва қўрқоқлик орқасидан хор-зор, қизилларга тутқун бўлди. Бироқ бир куни сабр косаси тўлади” дея баҳоларди. Тавалло яратган шеърларда унинг ўша вақтдаги кайфияти яққол сезилади:

Шунча Туркистон элинда нодон аҳли кўб вале,
Носиҳ ўлмас эрсалар, ақли расолардин насуд?!

Шоирни айниқса, миллатнинг эртаси ўйлантириб, шу фикрлар асосида мухаммаслар битди.

Эй қўлум, пул тутма ҳеч, миллатга ёрдамлашмасанг,
Бўлма хушнуд, эй дилим, миллат ғамин ғамлашмасанг,
Равшан ўлма, эй кўзум, ёшинг тўкуб намлашмасанг,
Фикрим, очилма, агар шеъринг ёзиб, ҳамлашмасанг,
Чиқ ичимдан, жоним, эй, сан манга ҳамдамлашмасанг...

Бошқа бир шеърида эса киноя билан қолоқликни аччиқ ҳажв қилиб ўтади:

Ёврупо аҳли, сиз қулоқ солингиз,
Биз ҳунарлар ёзиб тонуштирамиз.
Келтуринг запнбурак, қурол неча хил,
Бизни сопқон ила отуштирамиз.
Афтомоби, аробангиз қайда,
Ҳўқанд арба билан чопуштирамиз.
Биз билурмиз, сиз тўғри сўзни қули,
Лек биз ялғонлар қотуштирамиз.
Дўстни душман эдуб, солиб иғво,
Гап тошуб ўртага чоқуштирамиз.
Қўлда бидъат маромномаси бор,
Ким яқин келса, биз ёпуштирамиз...

Бу албатта қадимчилардек жадид тараққийпарварларга тўсиқ бўлган тоифага киноя тарзида битилган.

Миллат дарди билан яшаган шоир бошқа халқлар билан ҳам дўстона муносабатлар тарафдори эди. Хусусан, руслар орасида ҳам дўстлари кўп бўлиб, ўзбек ва рус тиллари уйғунлигида ғазал ҳам ёзган эди.

Маълумки, рус тили фонетик хусусиятига кўра, аруз қонунларига бўйсунмайди. Бироқ Тавалло буни ҳам уддалаб, “Вот шеър” сарлавҳаси билан “Муштум” журналининг 1928 йил 3-сонида чоп эттиради:

“Муштум” чироғим, сўйла-чи: как ты поживаеш?
Ҳар кимни сўкиб, сам себе душман наживаешь.
Текканга тегиб, тегмаса шутишь, почему так?
Хуллас, жим ўтир, мунча всегда задеваешь
Если попадет сенга биров мулла қилурсан,
Ҳар қандай асов бўлса-да, узда надеваешь.
Бир кун чиқасан чёрный кийиб, эртага бошқа,
Откуда чопон ҳафтада надеваешь?

“Муштум”га мурожаат шаклида ёзилган ушбу битик ўша вақтда катта шов-шувларга сабаб бўлган. Айрим кўролмаслар эса Тўлаган ичкиликка берилганидан шундай шеърлар ёза бошлади, дея гап тарқатишади. Унинг ичкиликка берилиши аслида 1931 йилда ўғли Маҳмуднинг вафотидан сўнг бўлганди. Мақсуд, Санобар ва Раҳбар исмли фарзандлари эса отасининг дардини англашарди. Аммо табиатан интилувчан, ғайратли Тавалло хатарли вазиятларда ҳам миллат ҳақида қайғурарди. Ана шу қайғу-аламлар Тавалони 1937 йилнинг сентябрида қатағон домига тортди. Натижада унга “халқ душмани” дея сохта, тўқима айблов қўйилиб, ўша йилнинг 10 ноябрида НКВД учлиги Тавалони отиб ўлдирди.



Тавалодан турли жанрларда ёзилган юзга яқин шеър, жадид адиби деган ном мерос бўлиб қолган.

... Хоразмнинг Гурлан туманилик шоир Турсунбой Каримов 1980 йилларда туман кино идораси раҳбари сифатида Тошкентга борганида, у ерда Тавалони таниган-билган қариялардан ёзиб олган шеърларни ўқиб, жадид адабиёти намояндасининг ҳажв йўсинида ашъорлар битганига амин бўласиз. Ушбу шеърлар ҳали ҳеч бир нашрда ёритилмаган бўлиб, Тавалонинг ҳажв йўли билан тараққиётдан ортда қолмасликка, маърифатли, шижоатли бўлишга замондошларини ундаганини англаймиз:

Тошкентда кўп истироҳат боғимиз,
Ҳеч келишмас анга бориб бизнинг сайр этмоғимиз,
Ёз фасли оқ баданлар оқ кийимлар кийсалар,
Пахталикни ташламай, елкага чиққан ёғимиз.
Уч қават камзулнинг устидан яна бир
Каттакон боғлабон маҳкам қилиб саккиз қулоч белбоғимиз.
Скамейка узра ўлтирса нечалар роҳат қилиб,
Кавфшимиз лойи билан биз устида ётмоғимиз.

Ўқиганингиздек, Тавалло жадид шоирлари каби жамиятда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, даврдошларини ўз қобиғига ўралиб, замондан орқада қолмасликка ундаб, камчилик ва нуқсонлар, муаммолардан кўз юммай, уларни ҳажв қилиб шеърлар битган:

Руслар отиб бир замбарак,
Борларни қилди бедарак.
Биз боғда чалиб тар-тарак,
Сопқон отолмаймиз ҳануз.
Руслар учса осмон,
Машинаси аэроплан.
Нечун бизлар трамвайдан
Ерга тушолмаймиз ҳануз?!
Бизлар катта нарвон қўйиб,
Томдан тушолмаймиз ҳануз.

Юқоридаги ҳажвий шеърлар, эҳтимол,Тавалони таниган-билган инсонлардан кейин умуман унутилиб кетгандир? Балки шу боисданми, Тавалонинг ўша шеърлари ҳанузгача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Умуман, Тавалонинг ижодий меросини ўрганиш жадид адабиёти хазинасини тўлдиришга, қолаверса, мустамлакачилик даври қурбонларининг руҳини шод қилишга сабаб бўларди.

Умид БЕКМУХАММАД.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Бугунги кунда ҳокимликлар ва корхона-ташкилотлар тизимида матбуот хизматлари фаолияти тизимли йўлга қўйилган. Бунда эса аввало, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг ёритиб бориш ҳамда аҳолини янгиликлардан изчил равишда хабардор қилиш кўзда тутилган. Навоий вилоятининг матбуот хизматлари тизимида айни пайтда 50 нафарга яқин ходим иш олиб бормоқда.

ОАВ ҳамда матбуот котиблари ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш ҳамда вилоятда юритилаётган ахборот сиёсати сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги каналларда вилоятда амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини кенг ёритиш мақсадида яқинда Навоий вилояти телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Навоий шаҳридаги "Ёшлар медиа маркази"да ўтказилган мазкур мулоқотда матбуот котиблари 2022 йилда ёритиладиган тадбирлар режаси билан иштирок этди.

Дастлаб, вилоят телерадиокомпанияси бош директори Ғулом Султонов телевидениеда амалга оширилаётган янги лойиҳалар, матбуот хизматлари ва телевидение ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик борасидаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида батафсил тўхталиб, тизимда моддий-техник имкониятлар оширилаётганига эътибор қаратди. Шунингдек, 2021 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2022 йил режалари борасида ҳам атрофлича тўхталиб ўтди.

— Бугуннинг ўзида Қизилтепада 5 га яқин янги боғча очилмоқда, Нуротада эса замонавий "Маданият уйи" фойдаланишга топширилянти, — деди телевидение раҳбари. — Бу аслида вилоятимиздаги барча янгиликнинг ўзигина эмас. Чекка ҳудудларимизда айниқса, янада кўпроқ янгиликлар бўлмоқда. Албатта, буларнинг барчасини телевидениеда ёритишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бироқ, айрим ҳолларда муҳим жараёнлар хусусида аҳолини шу куннинг ўзида хабардор қилиш борасида камчиликларимиз бор. Сабаби матбуот котиблари ўз ҳудудлари ёки тегишли тизимда ўтказиладиган йирик тадбирлар хусусида йиллик ё чораклик режа тузиб, вилоят телевидениесига тақдим этишса, биз шунга қараб ижодий гуруҳни тақсимлар эдик ва вилоятдаги барча жараёнларни қамраб олиш имконияти туғиларди. Бугунги тадбирдан мақсад ҳам матбуот хизматлари билан ана шундай келишувга эришишдан иборат.

Қайд этиш лозим, вилоят телевидениеси эфирлари мазмун-моҳияти ижобий жиҳатдан тубдан ўзгариб бормоқда. Бунга эса ёш, иқтидорли, креатив фикрловчи йигит-қизларни ижодий жараёнга жалб этиш орқали эришилмоқда. Яқинда телевидение томонидан кастинг эълон қилиниб, журналистикага қизиқувчи 80 нафардан зиёд ўғил-қизларнинг маҳорати кўздан кечирилди. Бугунги кунда ёшларбоп, шунингдек, ўзбек, рус, инглиз ва қозоқ тилларида кўрсатувлар тайёрлашга киришилган. Бу борада Навоий давлат педагогика институти билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Очиқ мулоқот жараёнида бир қатор иштирокчилар ҳам сўзга чиқиб, ўз мулоҳаза ва фикрларини билдирди.

— Матбуот хизматлари вакилларининг, хусусан, телеоператорларининг вилоят телерадиокомпаниясида малакасини ошириш таклифини билдирдик, — дейди Конимех тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Отабек Жангиров. — Бу алоҳида инобатга олиниб, 2022 йилдан тегишли ўқувлар ташкил этилишига келишиб олинди. Бу албатта, бевосита матбуот хизматлари томонидан тайёрланган материаллар ҳам вилоят телевидениеси орқали эфирга берилиши, кўрсатувлар хилма-хиллиги ошишига хизмат қилади.

— Эътироф этиш жоизки, вилоят телевидениеси ва матбуот котиблари ўртасидаги бундай очиқ мулоқот Навоийда илк бор ўтказилмоқда, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Отабек Аслонов. —Анжуман давомида матбуот котиблари томонидан бир қатор таклифлар ўртага ташланиб, уларнинг ташаббуслари инобатга олинди. Эндиликда вилоят телевидениеси, журналистлар уюшмаси ва ҳокимлик ҳамда корхона-ташкилотлар томонидан меморандумлар имзоланиб, 2022 йилда тегишли вазифалар амалга оширилади.

Матбуот анжумани сўнгида иштирокчилар "Ёшлар медиа маркази"нинг замонавий студиясини кўздан кечириб, бу маскандаги мавжуд имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Озод МУСТАФОЕВ,
ЎзЖИУ Навоий вилояти бўлими мутахассиси.

ҲАМКАСБ

Журналистикани қисмат деб билган

Тошкентдан тахминан 60-70 километр шимолий-шарқда Турбат деган қишлоқ бор. Замона зайли билан Тошкентга келиб, "нон шаҳри"да муқим яшаб қолган турбатлик кексалар мана 20 йилдирки, "гап" баҳона бир ойда учрашиб туришади. "Гап" ташаббускорларининг кўпчилиги вафот этиб кетишди. Уларнинг ўрнига ёшлар келиб қўшилди. Айни дамда энг ёши каминаи камтарин. Даврамизда таниқли тележурналист Муҳаммаджон Раҳматов ҳам бор.

Ёши улуғ, тажрибали кишиларнинг суҳбатларини эшитиш нақадар ёқимли эканини ҳаммамиз яхши биламиз. "Гап" баҳонасида кексалар оғзидан қишлоғимиз одамлари ҳақида кўплаб маълумотларни оламиз, болалик, ёшлик хотиралари тикланади. Айниқса 30 га яқин мамлакатда бўлган, икки марта Ҳаж зиёратини (1998 йилда Саудия Арабистони Подшоҳининг шахсий меҳмони сифатида) адо этган Муҳаммаджон Раҳматовнинг хотираларига ҳавас қиламиз. Шундай инсон туғилган қишлоқдан эканлигимизиди фахрланамиз. Муҳаммаджон Раҳматов қишлоғимиздан етишиб чиққан Отабой Эшонов (юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби), Туроб Тўла (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири), Зоҳид Хақназаров (Ўзбекистон халқ артисти), Рихсивой Авазов (Ўзбекистон халқ артисти), Озод Акбаров (Ўзбекистон халқ ўқитувчиси), Жўра Исроилов (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист) каби етук ва комил инсонлардан бири бўлиб, у муносиб хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиғи (1991), "Меҳнат шуҳрати" ордени (2002) ва "Дўстлик" ордени(2021) билан тақдирланган.

Муҳаммаджон ака 1952 йилнинг 8 январида таваллуд топди. 1969 йили ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини 1975 йили муваффақиятли битирди.

Инсонлар борки толе уларга ҳамиша кулиб боқади. Муҳаммаджон Раҳматов ана шундай одамлардан биридир. "Касбга муҳаббат улуғликка йўл", деган гап бор. Касби, шу касбга фидойилиги туфайли камолатга эришди. У 1977 йилдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида турли лавозимларда меҳнат қилиб келмоқда. Тележурналисткани ўз қисмати деб билди. Шу давр мобайнида "Ахборот" бош муҳарририяти муҳаррири, масъул муҳаррири, гуруҳ раҳбари, бош навбатчи муҳаррири, "Ахборот" бош муҳарририяти бош муҳаррири, директор лавозимларида фаолият юритди.

Дунёда касблар жуда кўп, ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни ва аҳамияти бор. Машаққатли ва нони тошдек қаттиқ бўлган касблар орасида журналистика ҳам бор. Муҳаммаджон Раҳматовнинг турли жанрларда тайёрлаган кўрсатувлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Одамларни, ҳаётни билиш, воқеликни ҳаққоний тасвирлаш, телетомошабинларнинг дилидан жой олиш, ҳазилкам иш эмас. Бунинг учун замон ва халқ олдидаги масъулиятини қалбдан ҳис қилиш керак бўлади.

Бугунги кунда кўплаб тележурналистлар Муҳаммаджон акани ўзларининг устози деб билишади. Бунга устознинг ёш журналистларни ҳар томонлама етук бўлишлари учун кўрсатган жонбозлиги сабаб. У одамохун, хушмуомала, дўстларига меҳрибон инсон сифатида минглаб мухлислари қалбидан жой олган.

Вақт — оқар дарё. Оддий қишлоқнинг, оддий оиласида туғилиб, деярли бутун умрини телевидениега бағишлаган Муҳаммаджон Раҳматов қутлуғ ёшни қарши олмоқда.

Бир ҳамқишлоқ, бир ҳамкасб сифатида устозга узоқ-умр, ижодий баркамоллик ва омад тилашдан бахтиёрман.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ.

ЭЪЗОЗ

ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТ ҲУЗУРИДА

Дарвозанинг оҳиста чертилишидан ҳушёр тортган Самариддин кўчага чиққанида меҳмонларга кўзи тушди.

— Ассалому алайкум, келинглар, — деди "Кеш" газетаси бош муҳаррири Собир Примов ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси Галовиддин Юлдошевлар билан саломлашаркан. — Қани, ичкарига марҳамат!

— Дада, сизни меҳмонлар сўраб келишибди...

— Фахрий журналистларга уюшма томонидан ажратилган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келгандик, — деди Галовиддин Юлдошев. — Мана бу "Фахрий ёрлиқ" ҳам сизга!

Шу куни Шаҳрисабз туманидаги "Темирчи" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган 83 ёшли Эгамберди ота Очилов билан кечган самимий суҳбатдан нуроний отанинг чеҳраси анча ёришди.

— Йўқлаб келганларингиз учун катта раҳмат. Бошим осмонга етди, — деди отахон. Ҳовли юзидаги супачада ўтириб бобо билан суҳбатлашар эканмиз, чеҳрасидаги ажинлар унинг ўтмишини эслатди.

...Кечагидек эсимда. Ўшанда 1969 йилнинг эрта баҳори эди, — гап бошлади Эгамберди ота. — 31-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ берардим. Туман партия қўмитасининг (идеология) котиби Фаёза Ҳақназарова мактабимизга келиб ўқитувчилар билан учрашди. Савол-жавобларга бой бўлган суҳбатдан сўнг мени ўқитувчилар хонасига чақирганида, очиғи "бирор камчилик"ка йўл қўймадиммикан деган савол хаёлимдан ўтди.

— Биламан, ўқитувчиликни яхши кўрасиз, — деди котиб босиқ оҳангда. — Газетада ёритилган "Бағритош фарзанд" сарлавҳали мақолангиз сабаб ажралиш ёқасида турган бир оила қайта тикланиб, савобга қолдингиз. Мақолага алоқадорлар райком бюросида муҳокама қилиниб, томонлар ўзаро келишиб, ярашиб кетишди. Газетага Сиздек дадил ёзадиган журналистлар керак. "Коммунизм байроғи" (ҳозирги "Кеш") газетасига мутахассислар жуда зарур. Сизни газетага ишга ўтказмоқчимиз. Ўйлаб кўриб фикрингизни айтарсиз...

Шу воқеага ҳам 52 йил бўлса-да, Эгамберди бобо журналистика соҳасида ишлаган кунларини кечагидек эслайди. Газета бош муҳаррири бўлган Маннон Сатторов кенг фикрлайдиган Эгамберди Очиловни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турди. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Миллий университет) журналистика факультетида сиртдан ўқиб малакали мутахассис бўлиб етишди. Туманнинг олис тоғли ҳудудларидан одамлар ҳаёт тарзини ёритиш учун уч-тўрт кунлаб қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Айниқса, камчиликларни бартараф этиш ҳақида аҳоли томонидан таҳририятга келган хатларни ўрганишда ҳар бир масалага синчковлик билан ёндашиб, "Эгамберди Очилов" имзоси билан газетада танқидий мақола чиққач, мутасаддилар муаммоларга ечим топарди.

Иш фаолияти давомида София Узоқова, Алишер Холов, Аҳрор Яҳёев, Моҳира Мажидова сингари бир неча шогирдлар тайёрлади. Бир сўз билан айтганда лавҳамиз қаҳрамони иш фаолияти давомида ўткир, мулоҳазали мақолалари билан эл оғзига тушди. Жамият ҳаётида содир бўлаётган янгиликлар, муаммоларни газета саҳифаларида кенг ёритди. Чин маънода халқнинг юрагидан жой олди.

— 32 йиллик иш фаолиятимда турли касб эгалари билан мулоқотда бўлиб, турфа тақдирлар билан учрашдим, — дейди Эгамберди бобо. — Ўша пайтда Қашқадарё радиосининг раҳбари бўлган Қурбон Эгамбердиев (Оллоҳ раҳмат қилсин) мени вилоят радиосига ишга таклиф қилганларида "оилавий шароитим тўғри келмаслиги"ни рўкач қилиб, рози бўлмаганман. 2000 йилда иззат-икром билан пенсияга чиқдим.

Шаҳрисабз туманининг "Темирчи" маҳалласида яшовчи Эгамберди ота айни пайтда кексалик гаштини сураётган пурҳикмат нуронийлардан бири. Ёз ойларида мўъжазгина ҳовлисидаги боғида турли-туман экинлар парваришлайди. Айниқса, ҳовлисидаги кишига завқ бериб турувчи турфа гуллар, помидор-у, карам кўчатлари, бир томонда бодринг палакларини кўрган киши бунда отанинг меҳнати синганлигини дарров пайқайди. Дастурхон тўкинлиги учун нимаики зарур бўлса, барчаси томорқасидан чиқади. Тиниб-тинчимайдиган бобо пенсияга чиққач, 50 сотих майдонда боғ яратди. Бугунги кунда унинг боғини кўрган киши боғбонига раҳмат дейди. Боғдан маҳалла-кўй ҳам баҳраманд. 6 нафар фарзанд, 15 набира, 4 нафар эваранинг суюкли бобоси бугун иззат-икромда. Фарзандларини камолга етказиб, уларни уйли-жойли қилди. Келин ва набиралари бобо атрофида парвона. Тўнғич қизи Ҳилола тиббиёт ҳамшираси. Зубайда ўқитувчи. Фазлиддин, Ҳусниддин, Салоҳиддин ва Самариддинлар ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишган. Ёстиқдоши Моҳибиби Ҳайдарова билан 54 йил умргузаронлик қилди. Айни пайтда кенжа фарзанди Самариддин билан бирга яшаётган нуроний Эгамберди ота ва Моҳибиби аялар набираларини дуо қилиб, Яратганга шукрона айтмоқда. Келини Ҳилола Худоёрова бобо ва бувининг иссиқ-совуғидан бохабар.

— Маҳалламизда 2822 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди "Темирчи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлуда Қаҳҳорова. — 802 та оила истиқомат қилаётган маҳалламизда Эгамберди ота Очиловлар энг намунали оилалардан саналади. Фарзанд ва набиралари ҳам бобо ва бувилари тарбиясини олган эмасми, жуда ақлли ва одобли. Уларнинг китобга бўлган меҳрлари жуда баланд. Бўш вақт топди дегунча боболари ҳузурига ошиқади. Улардан ҳаёт сабоқларини олган набиралар келгусида ҳаётга теран боқадиган, билимли ва зукко бўлиб етишади. Эгамберди ота Очиловлар оиласи билан маҳалламиз аҳли ҳақли равишда фахрланади. Ўзининг ҳаётий бой тажрибалари билан тўй-маъракаларни намунали ташкил этишдаги хизматлари катта.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига аъзо бўлганига ҳам 40 йилдан ошди. Шу йилнинг баҳорида Эгамберди отага уюшманинг янги нусхадаги аъзолик билетини топширгани борганимизда қувончдан кўзлари порлади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси Жовли Зайниддиновнинг таъкидлашича, Эгамберди Очилов, Нурбобо Эргашев, Шарофиддин Темиров, Бахтиёр Бойқобилов, Ражабой момо Дўсанова, Дилбар ая Қудратова, Рисолат буви Эшимова, Баҳодир Бердиев, Ҳафиз бобо Ибрагимов сингари кўпни кўрган нуронийларни ёшларнинг таълим ва тарбиясига алоҳида аҳамият қаратаётган замонамиз қаҳрамонлари десак муболаға бўлмайди.

Дарвоқе, улар нафақат "Темирчи" маҳалласи, қолаверса, Шаҳрисабз тумани фахри ҳисобланишади. Фахрий журналист кекса ёшда бўлсалар-да, ёшларга хос ғайрат-шижоати уфуриб туради. Уларга қарата "Офарин, отахон!" дегинг келади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими "Фахрийлар" жамоатчилик Кенгаши раиси.

ЯХШИ ХАБАР

"Матбуот уйи" таъмирланади

"Бу ерда ишлайдиган босма ва электрон оммавий воситалари учун энг яхши шароитларни яратиб берамиз", деди "Матбуот уйи" ҳақида вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов.

Вилоят ҳокими "Матбуот уйи"га бориб, у ердаги аҳвол билан танишди. Наманган шаҳрининг қоқ марказида жойлашган вилоят "Матбуот уйи" қурилганига салкам 50 йил бўляпти. Бу бинода вилоят ҳокимлигининг "Наманган ҳақиқати" ва "Наманганская правда" газеталаридан ташқари яна ўнлаб номдаги нашрлар таҳририятлари фаолият юритиб келади. Бироқ бино ўтган давр ичида бирон марта таъмирланмаган эди.

Халқ ичида юриб, ўзининг энг холис сўзини айтгувчи журналистлар, гапнинг очиғи, гоҳида мана шундай эски ва таъмирсиз хоналарда ижод қилаётганидан, ўз умрини аллақачон яшаб бўлган жиҳозлардан фойдаланишга мажбурлигидан оғринар ва ўкинар эдилар. Ниҳоят, ҳаммаси ўзгарадиган бўлди.

Ҳоким том маънода вилоятнинг юзи бўлган "Матбуот уйи"да 2022 йилнинг январь ойиданоқ капитал таъмирлаш ишларининг бошланишини маълум қилди. Келгуси йилда замонавий таъмирланган, барча шароитларга эга бино фойдаланишга топширилади. Бинонинг ташқи фасади ҳам шаҳар кўркига мос қиёфа касб этади.

Бу борада таҳририятлар муҳаррирлари, журналистлар билан суҳбатлашган Ш.Абдураззоқов таҳририятлар моддий аҳволини яхшилаш, обуна жараёнига бефарқ бўлмаслик бўйича ўз мулоҳаза, таклиф, тавсияларини берди.

О. ЎСАРОВнинг "Facebook"даги саҳифасидан олинди.

НАШР

КИТОБ ҲАҚИДА КИТОБ

Китоб нима? У қандай ёзилади? Унинг қандай турлари мавжуд? Китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти қандай? Китобни қандай ўқиш керак? Қандай одамни чин китобхон дейиш мумкин?..

Булар ўзини китобхон санайдиган ҳар бир зиёли томонидан ўзига ўзи ва унга бошқалар томонидан бериладиган қизиқарли, долзарб саволлар бўлиб, уларга жавоб бериш учун ҳам изланиш, ўқиш керак бўлади.

Ўндан ортиқ шеърий китоб ва таржималар муаллифи, таниқли шоир, таржимон ва публицист Ҳумоюн бу каби кўпчиликни ўйлантирадиган саволларга жавоб топишда замондошларига яқиндан кўмак бериш мақсадида шиддат билан ўтиб бораётган 2021 йилда бирданига иккита: аввал "OYDIN" нашриёти томонидан "Сим-сим... Мутолаа сирлари" кейинроқ эса "CLOBAL BOOKS" нашриётидан "Ижод фалсафаси" номли китобларни нашр эттирди.

Тўғри, бу мавзу олим, ижодкор, ноширларни анчадан бери қизиқтириб келади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг нуфузли нашриётларидан бири бўлган "Ўқитувчи" нашриёти томонидан 1985 йилда таниқли тилшунос олим Ҳасанали Рустамов муаллифлигида "Ўқувчиларда китобга муҳаббатни тарбиялаш", 1988 йили тарих фанлар доктори, профессор Е.Л.Немировский тузувчи-авторлигида "Китоб нима?", 1993 йили бутун умри ва фаолиятини болалар адабиётига бағишлаган филология фанлари доктори, профессор Сафо Матжон қаламига мансуб "Китоб ўқишни биласизми?" номли рисола ва китоблар чоп этилган. Аммо қуйида биз сўз юритмоқчи бўлган икки китоб бир неча жиҳатлари билан аввалги китоблардан тубдан фарқ қилади.

"Сим-сим... Мутолаа сирлари" номли китобда инглиз, испан, рус, француз, олмон, япон, бельгия, миср, чех, британ, ливан... адабиётининг ўттизга яқин энг машҳур адиб, шоир, файласуфларининг китоб мутолааси ҳақидаги дурдона фикрлари жамланган бўлиб, улар замондошларимизнинг китобхонлик маданиятини оширишга катта ёрдам беради.

Китоб таниқли шоир, таржимон ва файласуф олим Абдулла Шернинг "Хазинага йўл" деб номланган сўз боши ўрнидаги эссеси билан бошланган.

"Бугунги кунда шахсан Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан йўлга қўйилган миллатни китобга қайтаришдек муҳим ва савобли ҳаракат тобора тезлаб бормоқда, дея таъкидлайди Абдулла Шер мазкур эссеси хотимасида. Шу сабабли яқин орада янгиланаётган Ўзбекистонда мутолаа маданияти даражасининг юксалиши ва улуғларимиз томонидан бу борада ўзига хос мақола ҳамда хотиралар ёзилиши шубҳасиз. Шу боис бизни деб анчагина заҳмат чеккан Ҳумоюн дўстимизга раҳмат айтиб, хазинага бориш йўлларини яхшироқ билиб олиш учун китоб мутолаасига киришайлик."

"Ижод фалсафаси" деб номланган иккинчи китобда ўзбек ва жаҳон адибларининг ижодий тажрибалари, айрим асарларининг ёзилиш жараёни ҳақидаги ҳаётий, қизиқарли ҳикоялар маҳорат билан саралаб, жамлаб берилган.

Китоб таржимон ва тўпловчи Ҳумоюннинг "Биз севган дунё" деб номланган сўз боши ўрнидаги мақоласи билан бошланган бўлиб, унда, жумладан шундай дейилади: "...қалам аҳлини бирлаштириб турувчи айрим жиҳатлар борки, уларни ўқиб-ўрганиш ёшлар учун жуда муҳим. Жумладан, адабий тур ва жанрлардан ўз ўрнида фойдаланиш, ёзувчининг ҳаёт фалсафаси, янги асар ёзишга тайёргарлик жараёни, сўзга муносабати, асар тили, замон ва макон масалалари, персонажлар қиёфасини яратиш ва ҳоказо.

Ушбу тўпламда шу сингари масалалар юзасидан бевосита бадиий асар муаллифлари – ёзувчилар сизга ўз тажрибаларини сўзлаб берадилар".

Чиндан ҳам, севимли адибимиз Абдулла Қодирий ўзининг машҳур тарихий асарларини қандай яратганлиги, Ойбек "Навоий" романини қандай ёзганлиги ёхуд Миртемир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Муҳаммад Али каби устоз адибларимизнинг ўзига хос ижод жараёнларини билиш ҳар бир китобхон учун жуда қизиқ ва аҳамиятли.

Китобнинг иккинчи қисмида жаҳон адабиётининг йирик вакиллари Эдгор По, Жек Лондон, Хэрманн Хэссэ, Генри Миллер, Акутагава Рюнеске, Жорж Оруэл, Эфим Эткинд, Умберто Эколарнинг ёзувчилик, ёзувчидан талаб қилинадиган энг муҳим хусусиятлар, уларнинг нима учун ва қандай ёзишлари ҳақидаги қимматли фикрлари саралаб, китобхонга қулай усулда баён қилинган.

"Бадиий асар ёзувчи сифатида етарлича ғалати одамман, – дея эътироф этади машҳур итальян адиби Умберто Эко мазкур тўпламда келтирилган "Мен қандай ёзаман?" сарлавҳали хотира мақоласида. – Аслида мен саккиз-ўн беш ёшлар оралиғидаёқ роман ва ҳикоялар ёзишни бошлаб юборганман... Китоблар фақат китобхонлар учун ёзилади. Ўзим учун ёзяпман, деб онт ичган ёзувчи сизни сурбетларча алдайди. Ва унинг қай даражада даҳрий эканини ўйлашнинг ўзи даҳшатли. Ҳатто бу сўз мутлақ дунёвий маъносида айтилганда ҳам..."

Дунё эътироф этган таниқли адибларнинг бу каби очиқ, жайдари фикрлари билан танишиш ҳар бир китобхон учун жуда қизиқ ва аҳамиятли, албатта.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз фикр юритган бу икки китоб нафақат ёш ижодкорлар, филология факультетлари талабалари, ёш китобхонлар, балки барча китобхонлар учун жуда фойдали манба, ҳар икки китоб ўзбек китобхонлари учун катта совға бўлганлиги шубҳасиздир.

Сиддиқ МЎМИН,
филология фанлари доктори,
профессор,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

КИНОЯ

ВАҚТ ТЎХТАГАН МАСКАНЛАР

Аввалари қишлоқдаги Ғофир ошпазнинг ҳозирги уйи ўрнида катта ҳаммом бўларди деб бобом кўп айтардилар. Билишимча бутун қишлоқ аҳли ана шу умумий ҳаммомга келар экан. Ҳайрон қоларлиси, хатто аёллар учун ҳам ана шундай поклаиш масканлари бўлиб, ҳафтанинг сўнгги кунларида жуда гавжум бўлган эмиш. Улар биз биладиган айни дамдаги кўнгил очар сузиш учун мўлжалланган "сауна" лардек эмас, балки зарурат юзасидан поклаиш мақсадида ташкил этилган масканлар бўлган экан. Ўзимча ўйга толаман, уят ва андиша туйғулари анча баланд бўлган олдинги одамлар қандай қилиб бундай жойларга борган экан?

Энди бошқа илож бўлмаган. Ҳали қишлоғимизга газ тортилмаган, одамлар ҳам анча содда эди деб тушунтиргандек бўлардилар бобом.

Ахир одамлар, молларни тўдалатиб боқиб юравермай, ҳовлисига биттагина ҳаммом қуриб қўйса нима бўларди ўша вақтда деган хаёл ҳам ўтарди кўнглимдан. Энди ярим тунгача далада ишлашга маҳкум қилинган, шифер қоқилмаган, оддий лойдан томсувоқ қилинган томидан қизғалдоқлар ўсиб чиққан уйларда яшаган бечора одамларнинг бу ҳақида ўйлашга вақти қаёқда эди. Бобом айтганидек маҳалла ҳаммомларида эса, ҳамма шароит яратилган бўлиб, ортиқча оворагарчиликсиз ҳафтада бир марта бориб келиш анча қулай бўлгандир-да.

Бу ҳақда фақат бобомдан эмас, балки бир-икки эски ўзбек киноларида ҳам кўрганман. Балки сиз ҳам биларсиз. Майли, кўп ҳам эски гаплар билан бошингизни қотиравермай, мақсадга ўта қолай.

Мана бугун замонлар ўтиб, кўп нарсалар ўзгариб кетди. Ўша пайтлардаги пастак-пастак лойсувоқ уйлар ўрнида энг ками тўрт хоналик (кўпи эса тўққиз-ўн хоналик) қишлоқнинг кенг-кенг ҳовли уйлари бўй кўтарди. Улардаги шарт-шароитлар ҳам шаҳардаги уйлардан ўтса-ўтадики, асло ортда қолмайди. Бироқ ўта ҳашаматли ва замонавий қилиб қурилган бу уйларнинг кўрки кунлар совиши билан ўз аҳамиятини йўқотади. Негаки ҳаммамизга маълум бўлган газ қувурлари ичида бугун қуруқ ҳаводан бошқа нарса айланмай, қишлоқ аҳли кўмир, ўтин ҳаттоки, ўша бир замонлардагидек таппи билан қатор-қатор уйларнинг атиги бир, нари борса икки хонасинигина иситиб, барчалари тор жойга тиқилади. Электрнику гапирмай қўя қолайлик, худди одамнинг устидан кулгандек лип этиб ёнади-ю, бирор нарсани улашингиз билан яна лип этиб ўчади. Майлида, яқин-яқингача ҳам бир сандалнинг атрофида ота-онасидан оқибат ва юз-хотирлик ҳақидаги ўгитларни тинглаб, сабр билан яшаб келган халқимиз тезда замонавийлашиб кетса ҳам бўлмайди. Шундайми? Озгина сабр билан кутилса, уч ойлик, жуда чўзилиб кетса тўрт ойлик совуқ кунлар ўтади-кетади. Не-не орзу-ҳаваслар билан бунёд этилган ва ҳозирда бўш турган бошқа хоналарнинг ташвишини қилиш эса бизга эмас. Ҳа энди, қачонлардир тўй-тўркун қилинганда уларга ҳам одам тўлар.

Билмадим, аммо бу ерларда вақт тўхтаб қолганга ўхшайди. Сабаби ҳамма жойда замон тезлашиб, бир нима-бир нималар бўлиб кетаяпти дейилади-ку, қишлоқларда айрим эскиликлар эскилигича турибди.

Айтганча, гап-сўзлар билан бўлиб, энг муҳим жиҳатни унутибмиз. Аслида ҳам қишлоқликларга ҳаммомнинг умуман "кераги йўқ". Нега десангиз, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, уйида энг сўнгги жиҳозлар билан бойитилган ҳаммомлари бўла туриб, барибир одамлар ҳар ҳафта бўлмаса ҳам, икки ҳафтада бир ўша ўн тўққизинчи-йигирманчи асрдагидек маҳалла ҳаммомларига чиқишяпти. Совуқ кунда соатлаб навбатда турганда очилмаган истеъдодлар очилиб, "бинойидек" шеър ва қўшиқлар ҳам яратиляпти. Сиз ҳам улардан ижтимоий тармоқлар орқали аллақачон баҳраманд бўлган бўлсангиз керак.

Мана қиш келиб, телевизорда ҳозирданоқ янги йил фильмлари намойиш этила бошланди. Қишлоқликлар эса бу фильмларнинг бирортасини ҳам охиригача кўролмайди. Чироқ ёнган ўн беш дақиқа мобайнида эса, одамнинг ҳавасини келтирадиган биринчи қорнинг романтик тасвирлари узатилади. Қиш қанчалик чиройлик-а шаҳарликлар учун. Оналаримизнинг байрамона, мазали таомларни мароқ билан пиширишлари-чи. Қишлоқ аёллари эса таппи билан қозонда сув иситиб, ана шу сувда болаларининг кийимларини ювади. Ўртоқлари билан шодон ўйин-кулгулар ила қувнаб келган болалар эса, ўтин печка билан иситилган уйда зўр кайфият билан ухлаб, тонгда аччиқ совуқда уйғонишларини бир ўйлаб кўринг.

Ўзимни ёмон кўриб кетаман. Чунки, иссиққина уйда дунёдан нолиётганимда, ошхонадаги чойнакнинг қопқоғи сакраб ётса ҳам ўқиётган ўша кераксиз қоғозимдаги матн тугамагунча ўрнимдан турғим келмайди. Тунда уйқусираб чиқиб, қайноқ сувни шарриллатиб оқизиб юбораётганимда қанча одамлар тапписини санаётган, қолган ўтинларини чамалаётган бўлади. Яна қишлоқдагилар бизни ҳам ўзлари каби саҳар олтида туриб, ҳаракатда бўлади деб ўйлашади. Қаёқда дейсиз, иссиқ уйда бошингизни уйқудан кўтаришингиз осон бўларканми. Тинчгина уйқуни давом эттирганимиз маъқул. Ҳаммаси секин-аста ўз изига тушиб кетарди. Озгина сабр ҳам керак, балки қиш ҳам эртароқ тугаб қолар...

Камолиддин РЎЗИМАТОВ.

НАВОИЙ СИЙМОСИНИНГ БЕТАКРОР ТАЛҚИНИ

1-б.

Лидия Григорьевна Бать (1900–1985) – таниқли рус адибаси ва мунаққиди, навоийшунос олима. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970). Илк ижодини ҳикоя, очерк ва тақризлар ёзишдан бошлаган, кейинроқ эса қисса, романлар ёзган.

Ўзбек тилини яхши билган олима Ҳамза, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Зулфия, А.Мухтор, Қ.Муҳаммадий ва бошқа шоиру адиблар ижоди ҳақида кўплаб мақолалар, очерклар, тақризлар ёзган. Ўз-ўзидан, Лидия Бать адабий фаолиятида муҳим ўрин тутувчи ва унга жаҳоний шуҳрат келтирган асарларидан бири бу – унинг даҳо шоир ва буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзган "Ҳаёт бўстони" ("Сад жизни") (1948) номли романидир. Шоир ва мутафаккир, жамоат арбоби, шеърият мулкининг султони, мураббий ва муқаввий Алишер Навоийнинг ҳаёт бўстони ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу ўқишли асар бошқа миллат намояндаси томонидан ёзилган энг гўзал асарлардан бири ҳисобланади.

Ёзувчи Лидия Бать ушбу асарини ёзишни 1941 йилда, яъни улуғ шоир таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш жараёнида бошлаган ва маълум муддат Тошкентда давом эттирган ҳамда уни 1948 йилда Москвада муваффақият билан якунлаган, шу йилнинг ўзида асар "Ёш гвардия" нашриётида "Болалар адабиёти" рукнида жуда катта нусхада нашр қилинган.

Ўша вақтда ҳали Алишер Навоий асарларининг даврий нашрлари бўлмагани учун адиба ушбу романни яратиш жараёнида кўплаб қўлёзмаларни ўқиб-ўрганган ҳамда Алишер Навоийнинг лирик ва насрий асарларининг маъно қатламларини, мағзини чақишга астойдил ҳаракат қилган.

Албатта, Алишер Навоий ҳақида бадиий асар ёзган қалам аҳли қаторида маҳоратли адиба Лидия Батнинг борлиги кишини қувонтиради. Унинг "Ҳаёт бўстони" асари 1948, 1956, 1967, 2016-йилларда Тошкентда нашр қилинган ва ҳатто мактаб дарсликларига киритилган. Ўзбек китобхонлари ҳамон уни қўлдан қўймай севиб ўқиб келмоқда. У менинг ҳам севимли асаримдир. Муҳими, бу китоб кейинчалик ҳам адиблар ёки тадқиқотчиларнинг Алишер Навоий ёки бошқа тарихий шахслар, буюк сиймолар ҳақида ёзилган тарихий мавзудаги бадиий асарлари учун ҳамон адабий таъсир ва ижод мактаби вазифасини ўтаб келмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Лидия Бать болалик, ёшлик, камолот (ўрта ёш), кексалик сингари Алишер Навоийнинг ёши билан боғлиқ даврини романда юксак эстетик пафосда бадиий, фалсафий ва тарихий талқин қилишда гўё Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" девонига киритилган тўрт девоннинг рамзий номланишига нисбат берган. Маълумки, улуғ шоир ўзининг 3600дан ортиқ фасоҳатли шеърларини ўз ичига олган муҳташам "Хазойин ул-маоний" таркибидаги тўрт девонни айнан инсон ёши бўйича тақсимлаб номлаган. Яъни: 1. "Ғаройиб ус-сиғар" (кичиклик), 2. "Наводир уш-шабоб" (ёшлик), 3. "Бадоеъ ул-васат" (ўрта ёшлик), 4. "Фавойид ул-кибар" (кексалик даври) каби. Демак, Лидия Батнинг ушбу романида ёритилган ва тасвирланган даҳо шоир, буюк мутафаккирнинг мазмунли, ибратли умри, қизғин ижодий фаолияти Алишер Навоий ўзининг шеърий девонларига қўйган рамзий, фалсафий характердаги номлар асосида маҳорат билан кўрсатиб берилганини кўрамиз.

Фикримизча, биринчидан, ҳар бир фаслда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган муҳим воқеа, ҳодиса қаламга олинган ва улуғ шоирнинг замондошлари бўлган кўплаб тарихий шахслар, қалам аҳли, темурий ҳукмдорлар, бунёдкор шахсларнинг адабий портрети, фаолияти хусусида ҳам бадиий лавҳалар, тасвирлар битилган бўлса, иккинчидан эса Алишер Навоийнинг буюк сиймоси тимсолида Темурийлар Ренессансининг маданий юксалиш даври ҳам кенг планда маҳорат билан тасвирланган.

"Ҳаёт бўстони" Тафт шаҳрида бола Алишернинг темурийлар Ренессансининг мумтоз муаррихи Шарафиддин Али Яздий билан бўлган учрашуви тафсилоти билан бошланган. Лидия Бать мазкур тарихий учрашув талқинини баён қилишда Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" ва "Насойим ул-муҳаббат" тазкираларида битиб қолдирган Али Яздий ҳақидаги фиқраларидан унумли фойдаланганини кўрамиз. Шу ўринда кекса тарихчининг бўлажак даҳога қарата айтган дуога йўғрилган тилагини эслайлик. Чунки муаллиф бу ўринда дунё болаларини илмли, маърифатли бўлишга чақиргани шубҳасиз: "Алишер қувонч ва ҳаяжон билан ўрнидан турди. Боядан бери болани кузатиб турган Шарафиддин меҳр билан унинг бошига қўлини қўйди-да: Илмингни камол топтир, илм зеб-зийнатинг бўлсин, зероки илм — инсоннинг йўлчи юлдузидир, – деди".

Ёш Алишернинг Шарафиддин Али Яздий билан Тафт шаҳрида тарихий учрашуви фақат Лидия Батнинг мазкур асарининг "Қуш тили" ("Разговор птиц") фаслидагина эмас, балки Миркарим Осимнинг "Язд чўли" ҳикоясида ва Исажон Султоннинг "Навоий" романининг "Тафт. Бир ажойиб чол" бобида ҳам бадиий талқин қилинган. Адиба Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари қўлёзма нусхасини ҳам ўқиб ўрганган. У китобхонга Али Яздий шахсини Амир Темур ва темурийларнинг мумтоз муаррихи сифатида таништиришга ҳаракат қилган ҳамда фаслда унинг "Зафарнома" китобини ёзаётгани ҳақида тўхталгани роман сюжетининг энг диққатга сазовор лавҳаларидан бири ҳисобланади. Ёки асардаги баъзи сюжетлар, етакчи образлар, персонажлар, умуман, образлар оламининг талқини Лидия Батгача ва ундан кейин ҳам бадиий асарларда учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг падари бузруквори образини Ойбек домла жуда чиройли талқин қилиб берган бўлса, Ғиёсиддин Баҳодирнинг сиймоси Лидия Бать романида ҳам ёрқин тарзда ёритилган ва ана шундай эстетик пафос нафақат кекса тарихчи Али Яздий ёки Ғиёсиддин Баҳодирнинг сиймосида, балки асарнинг бошқа қаҳрамонлари тасвири ва талқинида ҳам мужассам эканлиги сезилади.

Асарнинг бизни ўзига тортган яна бир жиҳати шундаки, истеъдодли адиба унинг "Амир Темур ҳукмронлиги даври" фаслида Соҳибқирон Амир Темур номини ҳам тилга олган ва у тўғрисида қизиқарли лавҳа битган. У мазкур фаслда ҳукмдор ҳақида гапирган қуйидаги тасвирга диққат қилсак: "Ҳиндистондан Озарбайжонга қадар Амир Темурнинг измида эди.

У ниҳоятда шижоатли эди. Унинг сира қўлидан қўймай тақиб юрадиган узуги кўзига: "Одил бўлсанг–олам сеники" деб ёзилган эди". Яна адиба асарда улуғ шоир ўз асарларида шарафлаган "Зижи Кўрагоний"нинг муаллифи Улуғбек Мирзо ҳақида ҳам хайрихоҳлик билан қалам тебратган. Умуман олганда, Лидия Бать ва темурийлар мавзусида алоҳида тадқиқот олиб бориш мумкин.

Муаллиф асарда даҳо шоир тилидан олға сурган миллий ва умумбашарий ғояларга тамсил қилиб Алишер Навоийнинг шоҳбайтларидан келтиргани ҳам асарнинг қимматини янада оширган. Масалан, китобнинг "Хотима" қисмида бетоб бўлган улуғ шоирнинг Поёб работида шогирди Хондамир билан қилган суҳбати баён қилинган. Суҳбатда Навоий тилидан айтилган ҳикматга йўғрилган шоҳбайтини ёдга олсак:

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Алишер Навоийнинг ўзи тарбиялаган тарихчи Хондамир билан бўлган кўплаб мулоқотлари, суҳбатлари тарихий ва адабий манбаларда баён қилинган. Тарихдан яхши маълумки, Хондамир улуғ устози Алишер Навоий ҳақида алоҳида "Макорим ул-ахлоқ" номли алоҳида асар ҳам ёзган. Лидия Бать ҳам Навоий ва Хондамир суҳбатини улуғ шоирнинг ўзи битган шоҳбайт билан хулосалагани ёзувчи маҳоратидан ва буюк мутафаккир ижодига бўлган ихлосидан дарак бериб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, Лидия Бать "Ҳаёт бўстони" тарихий романида Алишер Навоий сиймосининг ҳам даҳо шоир, ҳам буюк мутафаккир, ҳам мумтоз муаррих, ҳам қомусий олим, ҳам давлат арбоби, ҳам ўз даврининг бунёдкор ижтимоий шахси сифатидаги олмос қирраларини маҳорат билан очиб беришга ҳаракат қилган. Айниқса, унинг Алишер Навоийнинг болалик, ёшлик, камолот, кексалик даври билан боғлиқ бир-биридан қизиқарли тасвирлар, унинг мазмунли умри ўтган Ҳирот, Тафт, Самарқанд, Астробод, Машҳад, Марв шаҳарлари билан боғлиқ ҳаётий тасвирлар, манзаралар ҳам адиба томонидан ҳаққоний ёритилган. Ўз даврида замондош олимлар томонидан юксак баҳоланган мазкур асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Буробия РАЖАБОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор
институтининг етакчи илмий ходими.

“Тафаккур” журнали Бош муҳаррири — Эркин Аъзамга

Донишмандлик қонида бор,
Қонидамас жонида бор.
Асарларин дунё ўқир,
Ўқимаган бўлар сўқир.
“Тафаккур”да тафаккур қил,
Бирор сонин қолдирмагил.
Обуна бўл ўз вақтида,
Эриш муштарий бахтига.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси — Алишер Хаджаевга

Сифатлари озмас, тўп-тўп,
Яна каналлари кўп.
“Ёшлар”зўрми, ё “1”чи,
Қани ўйлаб бир кўрингчи?..

“Зарафшон” газетаси Бош муҳаррири, сенатор — Фармон Тошевга

Жуда камтар, камсуқум,
Биров демас: “Амалдор”.
Ўйламайди обунани,
“Ҳоким бор-ку, не ғами бор?!”

“Жаҳон адабиёти” журнали Бош муҳаррири — Аҳмаджон Мелибоевга

Устоз эрур ёши катта,
Ёзганларин тоши катта.
Шўхликларин қувгани йўқ,
Унвонини “ювгани” йўқ.

“XXI аср” газетаси Бош муҳаррири — Норқобил Жалилга

Яхшиликни яхши кўрар,
Эзгуликдан суюнади.
Ижод деса хурсанд доим,
Муаммо деб куйинади.
Тадбиркорлар қанотидир,
Газети-ку катта минбар.
“Гўшт кўп еманг” деганларга,
Муроса ҳам қилмас минбаъд.

ЎзА Бош директори — Абдусаид Кўчимовга

Дарс беради ҳаммага,
Керак бўлса аммага.
ЎзА ўзи шундай даргоҳ—
Тарқатади ҳаммага.

“Гулистон” журнали Бош муҳаррири — Маматқул Ҳазратқуловга

Жиддий одам ўзлари,
Маънолидир сўзлари.
Илҳом бўлди зўр доя,
Ёзди қисса, ҳикоя!

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Халқаро Пресс-клуб раҳбари — Шерзодхон Қудратхўжага

Унга сифат бедорлик,
Ҳазил гапми ректорлик.
Гоҳ уловда, гоҳ оёқда,
Гоҳ у ёқда, гоҳ бу ёқда.
Жудаям кўп сафари,
Унга керак “Феррари”.

“Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари Бош муҳаррири — Сирожиддин Рауфга

Шоирларнинг зўридир,
Таҳрирда ҳам беназир.
Ҳузурига борсангиз,
Дейди: “Келинг, хўш, тақсир”...
Ҳожи акамга гап йўқ,
Журналхонлар кўнгли тўқ.
Ўтаётган бу йилда,
“Подписка”дан кўнгли тўлди,
Лекин ҳали билмас сира,
Янги йилда не бўлди?

АТБ “Қишлоққурилишбанк” Бошқарув раисининг матбуот котиби-Ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — Шухрат Орифга

Дейди мен шоирман, банкир эмасман,
Шеърни билмаганни одам демасман.
Дейди пулни эмас, яхши кўраман гулни.
Сайратаман булбулни, ёмон кўраман кулни.
Қарамайди жононлар, нима қилай ёронлар?
Ўзим ҳам билмайман, нималар дедим,
“Мен одам эмасман асли ёр эдим,”
Кўринг, китобимнинг номи шул,
Лекин зиён қилмас, бўлса пул.

“Нуроний” газетаси Бош муҳаррири — Шуҳрат Деҳқоновга

Ноибликдан зерикди у,
Не қилсам деб ўйлаб қолди.
Ёш бўлса ҳам тинчлик истаб,
“Нуроний”га ўтиб олди.
Режасида не борлигин,
Биров билди, биров йўқ.
Наманганлик бўз бола-да,
Келажакдан кўнгли тўқ!



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари Бош муҳаррири— Салим Дониёровга:

Феъли шундай: оғир-босиқ,
Устозларин яхши кўрар.
Ичмайди ҳам, чекмайди ҳам,
Байрамларда “юзта” урар.
“Правда Востока” кўҳна жуда,
“Янги Ўзбекистон” яп-янгида.
Уларга мен бошман дейди,
Ҳали ўзим ёшман дейди.

“Қишлоқ ҳаёти” газетаси Бош муҳаррири — Чори Латиповга

Ўзи қишлоқ одами,
Тузук эди қалами.
“Мажбурий обуна” дейилгач,
Ошиб кетди алами...

“Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари Бош муҳаррири — Ҳусан Эрматовга

Газети зўр, ўзи ҳам зўр,
“Доверие”дан чиққан эмас.
“Ишонч” бўлса, бари бўлар,
“Обуна” деб бош қотирмас.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси Бош муҳаррири — Салим Ашурга

Салим ака - салим одам,
Ғирром қилмас, ҳалим одам.
Шеър ишқида ёнар ўзи,
Гуллардадир икки кўзи.
Кўп жойларда ишлади у,
Довонларни ошиб ўтди.
“Адабиёт ва санъат” дебон,
Орзусига мана етди.

“Овози тожик” газетаси Бош муҳаррири — Шерпўлат Вакиловга

Ўзбекчани “қотиради”,
Яқин улфат , жўрадир.
Агар девор бўлмаса,
Кўчаниям кўрадир.

“Инсон ва қонун” газетаси Бош муҳаррири— Қўчқор Норқобилга

Афғон мавзуси ёпилди,
Гулдур-гуп.
Лекин тинмай ёзади,
Мавзу кўп...
Ўйлаб кўрса яхши кўрар,
Муҳаррирнинг зотини.
Чунки ўзи муҳаррир,
Муҳаррирдир хотини...

“Нурлы жол” газетаси Бош муҳаррири — Ғуломзакир Юсуповга

“Газетам энг ўқишли” дер,
Керилади мисли шер.
Лекин битта “айби” шулки,
Тиним билмай тўкар тер.

“Китоб дунёси” газетаси Бош муҳаррири — Хосият Рустамовага

Бу чеҳрани дунё билар,
Мўхлислар ҳам биляпти.
Гоҳ Туркия, гоҳо Хитой,
Амирқодан келяпти...

“Маҳалла” газетаси Бош муҳаррири — Бахтиёр Абдусатторовга

Кимдан хафа, кимдан хурсанд,
Бировга сир айтмайди.
Ваъда берса, ўша гап-гап,
Сўзидан ҳеч қайтмайди.
Вазирликдан гина қилар,
Ўпка қилар, кина қилар.
Обунага мошин қўйиб,
Қолмасинда фақат куйиб...

“Саодат” журнали Бош муҳаррири — Мунаввархон Усмоновага

Шеърларини ўқисангиз,
Узоққа ҳеч кетолмайсиз.
Орзу қилманг ўзаман деб,
Опага ҳеч етолмайсиз.

Байрам ҳазиллари таҳририят ижодкорлари томонидан ҳашар усулида ёзилди.

ҚУТЛОВ

Термиз давлат университети Педагогика институти жамоаси

кўпмиллатли халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбдан муборакбод этади. Янги Ўзбекистонни барпо этишдек залворли масъулиятини адо этаётган илм аҳллари профессор ва ўқитувчиларни, талаба-ёшларни, барча-барчани табриклайди. Жонажон Ватанимиз гуллаб-яшнасин, дунёмиз тинч бўлсин!

2022

XalqBanki

Акциядорлик тижорат Халқ банкининг кўп минг сонли жамоаси барча ватандошларимизни Янги йил байрами билан самимий қутлайди! Азиз юртдошлар, айём шукуҳи хонадонингизга файзу барака олиб кирсин! Юртимизни тинчлик-хотиржамлик, тану жонингизни сиҳат-саломатлик асло тарк этмасин. Янги йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

Фурсатдан фойдаланиб,
Халқ банкининг сиз учун ҳар тарафлама фойдали бўлган

“Оммабоп”

омонатини тақдим этамиз. Сиз ушбу омонат турига маблағингизни қўйсангиз йиллик 20,4 фоиз даромад топасиз.

Шартлари:
- муддати – 18 ой;
- фоизи – 20,4 %;
- бошланғич бадал – 1 000 000 сўм;
- максимал миқдори – чекланмаган;
- қўшимча маблағ кирим қилиш мумкин.

1106 **xb.uz**
(71) 210 20 02 **info@xb.uz**

Хизматлар лицензияланган.

2022

СЕМИНАР

РУҲИЯТ ШИФОКОРЛАРИ

Инсон ҳаёти олдиндан айтиб бўлмайдиган ва бўронли. Сиз сиёсат вакилимисиз, ишбилармонмисиз, шифокормисиз ёки уй бекаси бўлсангиз ҳам, ҳаётингизда ижобий ҳис-туйғулар билан бир қаторда, умидсизлик, ишончсизлик дақиқалари ҳам муқаррар бўлиб, бу салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Баъзида одам ушбу муаммоларнинг оғирлигини елкасида ушлаб туриши қийин. У умидни, ўзига бўлган ишончни, энг муҳими соғлиғини йўқотиши мумкин.

Тажрибали мутахассислар – психологларнинг доно маслаҳатлари бизга бундан қочишга ёрдам беради. Биз истаймизми, йўқми, бутун умримиз давомида психологларимизга албатта, бир маротаба бўлса-да, муҳтожлик сезамиз. Улар бизга ўзимизни, ўзлигимизни танишга ёрдам беради. Яъни, бу соҳа вакиллари шахслараро муносабатларнинг асл моҳиятини намоён қилишда, фавқулоддаги қийин вазиятларни енгиллаштиришда ва тамоман бартараф қилишда ҳамда шахсий, оилавий, ишга ёки бошқа нарсаларга оид муаммоларимизни илдизини топишда ва бу муаммонинг ечимини топишда яқиндан ёрдам берувчи қалбимиз малҳамларидир. Бир сўз билан айтганда, улар ҳам шифокор. Фақат улар вужудимизни эмас, руҳиятимизни даволайдилар. Бундай шарафли касб эгаларининг меҳнати ҳамда жамият олдида кўрсатаётган хизматлари бениҳоя қадрли.

Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли 4-умумтаълим мактабининг фаоллар залида амалиётчи психологлар томонидан “Психологлар – руҳиятимиз шифокорлари” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент вилояти Халқ таълим бошқармаси педагогик-психологик ташхис фаолияти шўба мудири Шоира Ҳакимова, Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлими педагогик-психологик ташхис фаолияти шўъба мудири Гуловза Газибекова ҳамда амалиётчи психологлар иштирок этишди.

Тадбир давомида амалиётчи психологлар психологияга оид статуслар, маълумотлар бериб ўтдилар, мавзу юзасидан турли семинар тренинглар ўтказдилар. Айниқса, Тошкент вилояти ХТБ педагогик-психологик ташхис фаолияти шўба мудири Ш. Ҳакимованинг “Стресс-менежменти” мавзусида ўтказган тренинги ва психологларннинг иш фаолиятида зарур бўладиган янги методикалар бўйича маълумотлари ва улардан унумли фойдаланиш бўйича тавсиялари йиғилганларга манзур бўлди. 17-мактабнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан тайёрланган куй-қўшиқ ва рақслар эса даврага ўзгача кўтаринки кайфият улашди.

Мазкур семинар тренинглар тақдирлаш маросимига уланиб кетди. Бошқарма ходимлари йил давомида фаоллик кўрсатган психологларни тақдирлаб, уларнинг фаолиятига янада шижоат, куч-ғайрат тиладилар. Тадбирни қизиқарли олиб борган 13-мактаб психологи Севара Жўрабекова ҳамда 15-мактаб психологи Умида Имановалар фаолияти ҳам алоҳида таъкидланди.

Зуҳра АҲМЕДОВА,
ЎзМУ талабаси.

ҲУЖЖАТ ҚАНДАЙ ЮРИТИЛАДИ?

ёхуд Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Китобат ул-атфол” асарини ўқиганмисиз?

1 - б.

Шуни айтиш лозимки, тарққийпарвар М.Беҳбудий ушбу қўлланмани усули жадида мактабининг охирги босқичи учун мўлжаллаб ёзган эди. Чунки, Беҳбудийнинг таъкидлашича, усули жадида мактабини тамомлаган ўқувчи барча замонавий фанларни эгаллаш билан бир қаторда Туркистон ўлкасида тижорат ишлари билан шуғулланиши, мирзо сифатида ишларини амалга ошириши, ўлканинг бўлиснойхоналарида, идораларида ишлаши мумкин бўларди. Бу қўлланма асосан ўқувчига мавжуд идора ва органларда иш юритиш қоидаларидан сабоқ беришга мулжалланган эди.

Айни пайтда муаллиф китобни нашр этишдан мақсадини ҳам айтиб ўтади. Яъни: *“Биз ҳам шул қоидаға биноан мажмуаи китобат ва иншо” унвонида авлоди ватан учун расмий ва хусусий ҳамда Туркистоннинг шаръий ва миллий махкамаларина маъмул(амалдаги) барча васойиқ(восиқалар), ҳужжату ва билжумла мусулмон волоснўйи управители (ноҳия мудири) ҳузуринда бўладиган дознония, протокул, қабоҳатнома ва расмий ҳар нав мактубларни мухтавий(ўз ичига олган) бир неча жуздан мураккаб бир асар таҳрир ва нашр этмоқ амалинда эдук. Шу мақсадға ушбу “Китобат ул – атфол” нашри ила шуруъ этдим. Матлабимизнинг асоси болалар ва барча талаба тоқатинча, тавҳиди лисон(тил бирлиги), таъмим(ёйиш) ва тафҳими(тушунтириш) мактуботи туркия ва форсиядан иборатдур”.*

Беҳбудий қўлланманинг ушбу кириш сўзида ёзган мақсаддан, қолаверса асарнинг тузилишидан ҳам маълум бўладики, муаллиф айни пайтда ҳужжатчилик билан шуғулланувчи идоралар учун иш юритувчилар, бошқарувчилар, маҳаллий ҳудуд раҳбарлари, раҳбарият таркибида олиб бориладиган суриштирувлар, давлат идоралари учун мажлис баённомалари, идоралар ўртасида ёзиладиган хатларнинг мазмуни, барча фуқаролик ҳолатлари билан боғлиқ расмий ёзишмалар каби ҳужжатларнинг намуналарини замонавий авлод мутахассисларини тайёрлаш ниятида амалга оширган.

Махмудхўжа Беҳбудий “Китобат ул – атфол” қўлланмасида қўйидаги йўналишларни урганиб, ўқиб, амалий жиҳатдан кўрамиз:

1. Иш юритиш соҳасидаги барча йўналишларда “хат ёзмоқнинг шартлари”;
2. Хат ёзиш усулларининг одоби ва маданияти;
3. Иш юритиш ҳужжатларида тиниш белгиларнинг қўлланилиши қоидалари;
4. Шахсий хат ёзиш қоидалари;
5. Идораларга хат ёзиш тартиблари;
6. Ота – онага хат ёзмоқ тартиблари;
7. Фарзандга хат ёзмоқ тартиблари;
8. Дўстига хат жунатмоқнинг услуби;
9. Қариндошга хат ёзмоқнинг тартиблари;
10. Фуқарони тасдиқловчи паспорт бериш тартиблари;
11. Тасдиқнома ёзиш қоидалари;
12. Шаҳодатнома ёзиш қоидалари;
13. Ишончнома ёзиш тартиблари;
14. Ариза ёзиш қоидалари.

Қўлланмадаги иш юритишнинг “Хат ёзмоқ шартларида” унинг ўн саккизта қоида келтирилади. Энг аввало иш юритувчи маълум бир масалада хат ёзиши зарур бўлганида, ушбу истайдиган масаласини англаган, ўзи яхши тушунган бўлиши зарур. Хат ёзувчи хатнинг мазмунида яъни текстида ўзи билмайдиган, тушунмайдиган сўзларни киритмаслиги айтилади.

Муаллиф иш юритишда сўзнинг қудрати, сўзнинг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиб, ҳар бир сўзни ўз қоидаси, ўз имлоси бўйича ёзиш талаб этилиши кўрсатилади. Хатни шахсий фуқароларга бўлсин, идораларга бўлсин уни мулоҳаза қилиб, унинг етиб борганида олувчига ўз таъсирини ўтказишини ўйлаб, фаҳм билан юбормоқ мақсадга мувофиқ, дейилади.

Шахсий хат ёзилганда ёки идорага хат ёзиганда унинг айбини юзига солиб, яъни кўрлигини, карлигини, ўғрилигини, ичувчилигини қолаверса, барча ёмон хислатларини айтиб ёзмоқ таъқиқланиши белгиланган. Қўлланмада қайд этиладики, агарда ёзилиши лозим бўлган ҳолатлар яъни суднинг ҳукмлари бўлса бундан мустасно эканлиги ҳам киритилган.

Ҳужжатчилик ва тил қоидалари китобида хат ёзишнинг қоидалари сифатида юбориладиган хат мазмунида ўзи тушунгани билан бошқалар тушунмайдиган, кўчада қўлланиладиган жаргон сўзлар, кўчада қўлланиладиган бошқа атамалар, айб деб қараладиган сўзлар, ҳар хил лақаблар ҳам ёзишилиши таъқиқ сифатида кўрсатилади. Бундан ташқари, юритилаётган ёзишмаларда халқ орасида унутилиб кетган, эски сўзлар, қўлланмаётган атамалар атайлаб ёзишмаларга киритилиши нотўғри эканлиги тушунтирилади. Қолаверса, айни пайтда ўқувчини зеҳнини тушуриб юбориши, ҳаловатини бузиши, уни ташвишга қўйиши мумкинлиги айтилади.

Беҳбудий ҳар доим тил масаласига алоҳида эътибор қаратган. Унинг “Тил масаласи”, “Икки эмас тўрт тил лозим” каби илмий мақолалари шулар жумласидандир. Ушбу муносабатлардан келиб чиқиб, хат ёзиш қоидаларида ҳам тилга эътибор масаласи алоҳида ажралиб туради. Айтиладики, ёзишмаларда ўз тилингда ёзиладиган сўзлар, иборалар ўрнига русча ёки хорижий бошқа тилларда қўлланиладиган сўзларни, ибораларни қўллаш, ишлатилиш мумкин эмас.

Қўлланма қоидаларида идораларга ёзилаётган хатлар камсўз, серъмано ва ихчам тарзида билдирилиши талаб қилинади. Ёзилган хатларни, мақолаларни мутахассисга, ўз муаллимига ёки аҳли дўстига кўрсатиб, камчиликларни билмоқ жоиз, дейилади. Бундан ташқари, ёзилаётган мақолада, хатларда жойларнинг номлари, маҳаллаларнинг, шаҳарларнинг номлари аниқ ҳолда ёзилиши, қайд этилиши билдирилади.

“Китобат ул-атфол” (Болалар учун ёзув китоби) қўлланмасида ёзилган қоидалар бўйича мактуб, хатларда таъна, ҳазил, фисқ, гуноҳга тааллуқли сўзлар, иборалар умуман келтирилмаслиги белгиланади.

Қўлланманинг иккинчи йўналиши бу — ёзиладиган хатларнинг турлари берилади. Яъни, хатлар биринчидан, хусусий. Иккинчидан, умумий хатларга бўлинади. Муаллифнинг таърифига кўра, хусусий хатлар икки киши орасида ёзиладиган муносабат хатларидир. Манбада хусусий хатларнинг ҳам одаби кўрсатиб берилади. Яъни, хат ёзадиган фуқаронинг исми, мансаби, муддоси каби сифатлари кўрсатилади.

Ўзбек ҳужжатчилик тарихида тил, унинг одоби, ахлоқи, унинг иш юритиш соҳасидаги қоидалари мавжуд асарлар ичида “Китобат ул-атфол” алоҳида ажралиб туради. Унда тиниш белгиларни ҳам ўзига хос номланишлари ўрин эгаллаган. Жумладан, сўроқ белгисини аломати савол; ундов белгисни аломати нидо, таажжуб хитоб; тере эса, икки сўзни фарқ қилатургон аломат; баробар эса, иккиси бир поғонада; вергул эса, озгина турмоқ учун; икки нуқта эса баён ва тафсил учун; кўп нуқталар эса, нотамом сўзлар; сўзнинг охири ёки вақфи том аломати каби атамалар билан берилганлигини кўрамиз.

“Китобат ул-атфол” ҳужжатчилик соҳасида тарихий қўлланма ҳисобланиб, айни пайтда жадидлар мактабида дарслик сифатида фойдаланилган. Унда тил қоидалари мужассамлашган. Яъни матнлар, хатлар, ҳужжатчиликка оид таҳлиллар берилганки, булар ўқувчини, талабаларни тарбиялаш ва ўз саводларини англашида алоҳида восита ҳисобланади. Қўлланмада берилган матнларда одоб ва ахлоқ қоидаларининг юқори даражада қўлланганлигини кўрамиз.

Шу боисдан Беҳбудийнинг “Китобатул – атфол” китоби ҳужжатчиликнинг манбаси сифатида тарихий қимматга эга. У бир асрдан ошганлигига қарамасдан ҳали ҳам ўз кучини йўқотган эмас.

PS: *Улуғ жадидчи бобомизнинг ушбу асари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Қачонки, бугун кўпчилик хат ёзишни “унутиб” юборар даражага келган бўлса-да, айрим ташкилот, корхона ва идоралардан, ҳокимликлардан жўнатилаётган баъзи бир хатларни ўқиб, кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан. Пала-партиш, сўзларнинг ноўрин қўллаши дейсизми, хуллас ғирт саводсизлик билан битилган бўлади. Демак, қанча ривож топган жамиятга қадам қўйилмасин, хат, мактуб ёзиш, хужжат юритиш маданияти, илмни пуҳта билмоқ керак.*

Нормурод АВАЗОВ,
Тошкент давлат санъат ва мадният институти
“Тил ва адабиёт” кафедра мудири.

ИНСОН ВА КОИНОТ

ЕРНИНГ ЭГИЗАК СИНГЛИСИ

Инсоният яралибдики, коинотнинг чексиз-чегарасиз сирларига қизиқади. Осмондаги Ой ва Қуёш, саноқсиз юлдузлар синоатини билишни истайди. Шу боис, дунёда не-не буюклар, масалан, буюк боболаримиз Ал Хоразмий, Улуғбек сингари улуғ зотлар астрономия илм-фанига беқиёс ҳисса қўшганлар.

Қуйидаги мақола Венера сайёраси ҳақида. Уни эълон қилишдан мақсад эса Янги йил кунларида муштарийларимиз билан фалакиёт уммони хусусида озгина маълумотга эга бўлишдир.

Венера — (арабларда Зуҳро) Қуёшдан иккинчи сайёра ҳисобланади. У Ернинг жон қўшниси, ўлчами, таркиби ва оғирлик кучи ҳамда Қуёшдан узоқлиги Ерникига ўхшаш бўлган сайёра. Бинобарин, Венерани кўпинча сайёрамизнинг эгизак синглиси, деб ҳам аташади. Лекин амалда Венера Ердан кескин фарқ қилади.

Венера аёлларнинг севги тимсоли бўлиб, қадимги римликларнинг севги маъбуди номи билан аталган. Қуёш тизимидаги қолган барча сайёраларга эркак маъбудлар номи берилган.

Венера нега сирли?

Венера космосга учишлар даври бошлангунича энг сирли сайёра ҳисобланган. Чунки у ҳақда маълумотлар оз эди. Қуюқ булутлар билан қопланганлиги сабаб қуёш нури сайёра сиртигача етиб бормай, атмосферадан қайтади. Шунинг учун унинг сиртини кўриб бўлмайди ва Венера ярқираб эрта тонгда Шарқ томонда, кечқурун Ғарб томонда кўриниб туради. Уни Зуҳро юлдузи, деганлар. Оташин шоиримиз Абдулла Орипов ёзгандай: “Зуҳра юлдуз милтираб хира ханда отганда...”

Венера атмосфераси қандай?

Олимлар фикрича, Венера атмосфераси Ерникидан юзлаб маротаба зич ва қалин (қалинлиги 60 километрга етади) бўлиб, асосан карбонат ангидрид 95 фоиз ва 3,5 фоизини азот ташкил этади. Қуёш Венера сиртини Ой Ер сиртини ойдин кечада ёритганидан камроқ ёритади. Лекин Венера сирти шунчалик қизиб кетадики, ундаги температура 500 градусгача кўтарилади. Бунга асосий сабаб атмосферадаги карбонат ангидрид ва сув буғлари томонидан юзага келтирилган парник эффектидир. Бу сайёрада ҳаво босими 92 атмосферани ташкил этади.

Венера Меркурийга нисбатан иссиқроқми?

Венера Ер атмосферасига нисбатан қалинроқ атмосферага эга бўлган сайёрадир. Унинг атмосфераси асосан, карбонат ангидриддан иборат. Бу парник эффектини юзага келтириб, сайёрада катта миқдордаги иссиқликни тутиб туради. Шунинг учун Меркурий Қуёшга яқинроқ бўлишига қарамасдан, Венера унга нисбатан қайноқроқ.

Венеранинг куни йилига нисбатан узунроқ...

Венера орбитаси бўйлаб тез ҳаракатланади ва Қуёш атрофида 225 Ер кунида бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Ўз ўқи атрофида эса жуда секин ҳаракатланади. Тахминан 243 кунда бир марта... Шунинг учун Венеранинг кунлари йилига нисбатан узунроқ бўлади. Қуёшдан ўртача узоқлиги 0,723 астрономик бирлик (108,3 млн. км), массаси қуёш массасининг 0,9528 улушини ташкил этади, ўртача зичлиги 5,27 г/см3 (Ерники 5,5 г/см3) орбита эксцентриситета — 0,0068 (яъни Қуёш атрофида айланиш йўли деярли доира), орбита текислиги эклиптика билан 3°23’7 бурчак ташкил этади. Венера орбитасида 35 км/сек тезлик билан ҳаракатланиб, Қуёш атрофини 224 сутка 14 соат 49 мин. (0,62 йил) да тўла бир марта айланиб чиқади.

Венера вулқонлари...

Аниқланишича, вулқонлар Ердагига нисбатан Венерада кўпроқ. Сайёра сатҳининг қарийб 80 фоизи ясси вулқонли текисликлардан иборат экан. Унда иккита тоғ тизмаларида вулқон мавжуд. Шулардан биттаси Максвел Монтес чўққисида сайёра сатҳидан 11 километр баландликда жойлашган (Кавказдаги Эверест тоғининг денгиз сатҳидан баландлиги 8848 метрдир).



Ўрганиш…

Венера космик аппаратлар ёрдамида жуда жадал ўрганилган. Биринчи бор собиқ иттифоқ томонидан 1961 йили 12 февралда “Венера-1” космик аппарати Венерага учирилган. Лекин бу миссия муваффақиятсиз якунланган. “Венера-1”дан тортиб “Венера-15”гача, “Вега”, “Маринер”, “Магеллан” ва ҳоказо космик аппаратлар ва зондлар орқали сайёра сирти атрофлича тадқиқ қилинган.

NASA раҳбари Жим Брайденстайн Венера сайёрасида фосфин булутларини аниқлаб, ҳаёт аломатлари мавжудлигига ишора қилган Кардифф ва Манчестер олимларининг кашфиётига муносабат билдиради.

“Венерада ҳаёт борми? Анаэроб биологиянинг иккиламчи маҳсули бўлмиш фосфиннинг аниқланиши Ердан ташқарида ҳаёт борлиги ҳақида ишончли далил тўплаш томон жиддий қадамдир”, деди Брайденстайн.

Унинг таъкидлашича, Венерага “биринчи даражали” эътибор қаратиш вақти келди.

Фосфин — рангсиз, жуда заҳарли газ. Ерда у анаэроб, яъни кислород талаб қилмайдиган микроорганизмлар томонидан ишлаб чиқилади.

Венерада ҳаёт аломатлари борлигини исботлаш учун илгари ҳам уринишлар бўлган. Масалан, Россия ФА Космик тадқиқотлар институти бош илмий ходими Леонид Ксанфомалити 2012 йили ёзган мақолада “Венера-13” қўндирилувчи станцияси модули олган суратлар таҳлил қилиб берилган. Рус олими суратларга тушиб қолган айрим объектларни ҳашаротсимон мавжудотларга ўхшатган.

Астрономлар Венера сайёрасида ҳаёт асари борлиги мумкинлигини назардан соқит қилишмаяпти. Олимларга кўра, сайёра юзасидаги булутларда тирик организмлар сузиб юрган бўлишининг фавқулодда эҳтимоли бор. Атмосферада аниқланган газ ана шундай фаразларга етаклайди. Аммо бу газнинг қаердан келганини ҳозирча изоҳлай олишмаяпти. Бу газ фосфин бўлиб, у битта фосфор ва учта водород атомидан иборат молекуладир.

Олимлар фикрига кўра, Венера юзасидаги булутларда тирик организмлар сузиб юрган бўлишининг фавқулодда эҳтимоли бор.

Венера булутлари

Улар жуда қалин ва ҳатто 95 фоизгача олтингугурт кислотасидан иборат. Бу эса Ердаги жонзотларни ёки ҳаёт асарини ташкил этувчи ҳужайрали тузилмалар учун ҳалокатлидир. Массачусетс Технология институтидан доктор Уильям Бейнс тадқиқотчилар жамоасидаги биохимик. У мазкур сайёрада учраши мумкин бўлган турли молекула бирикмаларини ўрганган.

Доктор Бейнс вулқонлар, чақмоқ ва ҳатто метеоритлар фосфиннинг вужудга келишида бирор роль ўйнаган ёки ўйнамаганини тадқиқ қилган.

Олимнинг айтишича, у ўрганган барча кимёвий реакциялар Венерада аниқланган миқдордаги фосфинни вужудга келтириш учун кучсизлик қилади. Унинг ишонишича, олтингугурт кислотасида яшаб қолиш учун Зуҳрадаги ҳаво микроблари ёки қандайдир номаълум, мутлақо фарқли биокимёвий хусусиятга эга бўлиши лозим, ёки ўзига хос зирҳга (ҳимоя қопламасига) эга бўлиши керак. “Принципиал жиҳатдан олганда, сувсевар тириклик олтингугурт кислотаси томчиси ичидаги ўзининг ҳимояловчи қобиғи ичидагина яшаши мумкин”, дейди у “Тунги осмон”даги чиқишида.

“Биз бу ўринда ўзини тефлондан ҳам мустаҳкамроқ нима биландир ўраб олган бактерия ҳақида гапиряпмиз. Аммо улар қандай озиқланади? Улар газни қандай алмашади? Буниси ҳақиқий жумбоқ”.

АҚШ фазо агентлиги – НАСА олимлардан 2030-йилларда юборилажак байроқдор миссия лойиҳасини ишлаб чиқишни сўрамоқда. Байроқдорлар НАСАнинг энг катта, энг қиммат лойиҳаларидан саналади. Ушбу лойиҳага кўра, Венера булутлари бўйлаб сузадиган аэробот – ускуналар ўрнатилган пуфак ғояси илгари сурилган. “Руслар Вега пуфаги билан буни қилиб кўришган (1985), дейди тадқиқот жамоаси аъзоси профессор Сара Сигер. У олтингугурт кислотасидан ҳимоялаш учун тефлон билан қопланган эди ва бир неча кун сузиб, ўлчовларни олган”.

Хуллас, олимлар бу сирли сайёранинг тилсимотини очишга жон-жаҳдлари билан киришишган. Венерада ҳаёт мавжуд бўлса ҳам, бўлмаса ҳам Зуҳро шаклида тасаввуримизда яралган илҳомлантирувчи, муҳаббат улашувчи образ мақомида қолаверади. Ахир, барча сайёраларнинг вазифаси ҳам тирикликни таъминлаш эмас-ку?! Эҳтимол, бу фикр ҳам баҳсталабдир.

Манбалар асосида Муяссар ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

ТАРИХ

ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ВАТАНИ — ТОШКЕНТ

Инсон ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиши қийин. Бугун жамиятда уларнинг ўрни беқиёс. Телевидение, радио, газета ёки интернет – ҳар бирининг ўзига хос ахборот бериш тартиби ҳамда йўналиши бор. Ким қандай ахборотга эга бўлса...

Аммо барчасининг ўз ўрни билан бирга улар орасида телевидениенинг аҳамияти беқиёс. Биз у орқали кўра оламиз, эшитамиз, муҳими тасвир ва овоз унда мужассам.

Тўғри, кимдир айтиши мумкин, интернетда барчаси мавжуд деб, аммо телевидение улардан фарқли ўлароқ тамал тошини қўйиб улгурган оммавий ахборот воситаларидан ҳисобланади. Таъкидлаш лозим, телевидение ахборот ва маълумотлар маконига айланган, кенг омма эҳтиёжларини қондирувчи восита сифатида хизмат қилиб келмоқда. Унинг тарихи деярли бир асрга бориб тақалади. Ота-боболаримизга завқ бағишлаган, уларни бир уйда дийдорлашишлари учун имкон берган замонавий ясси экранли телевизорларнинг “бобокалонлари” XX асрнинг йигирманчи йилларида АҚШ, Япония, Россия ҳудудида электрон нурлар орқали тасвир узатиш ва қабул қилиш борасида тадқиқотлар олиб бориш жараёнида пайдо бўлган. Шубҳасиз, бу ҳолат барчага қувонч бағишлаган, замон билан ҳамнафас яшаб, ривожланишга, ўсишга туртки берган. Муҳими, янгиликларнинг тез ва осон етказилишини таъминловчи ахборот макони ҳам ҳисобланган.

Маълумотларга ёндашадиган бўлсак, 1996 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамбеляси илк маротаба Бутунжаҳон телевизион форумини ташкил этиш ҳақида қарор қилиб, тадбир ўтказиладиган санани “Халқаро телевидение куни” деб эълон қилган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида соҳа вакиллари 21 ноябрни байрам сифатида нишонлашади.

Таъкидлаш лозим, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси телевидениени жаҳоннинг эътиборини можаролар, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид соладиган ҳолатларга ҳамда иқтисодий-ижтимоий масалаларни ўз ичига олган бошқа муҳим масалаларга қаратишда асосий таъсир кучи деб тан олган.

Шунингдек, телевидение жамоатчилик фикрини бошқаришнинг муҳим воситаси сифатида ҳам айтилган. Аммо қайд этиш лозим, телевидение жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда унга таҳлилий ёндаша оладиган ва реалликка асосланган оммавий ахборот воситаларидан ҳисобланади.

Дарвоқе, кўплаб манбаларда телевизорнинг ватани дея пойтахтимиз Тошкент эътироф этилган. Электрон телевидение тизими 1928 йилда тошкентлик икки кашфиётчи Б.П.Грабовский ва И.Ф. Белянский томонидан яратилган. Тажриба сифатида қўлланилган илк телевизион ускуна ўша пайтда “телефот” деб номланган.

Алоҳида тилга олишни жоиз деб билдик, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг видео бўлими ҳам мавжуд бўлиб, у дунёдаги гуманитар инқирозлар ҳақида видео материаллар, инсон ҳуқуқлари, тинчлик ва хавфсизлик, тараққиёт каби долзарб масалалар бўйича ҳужжатли фильмлар тайёрлаб беради. Шунингдек, Бош Ассамбеляси ва Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишларини тўғридан-тўғри трансляция қилади. Видео бўлим ўз фаолиятини 1947 йилда бошлаган ва материалларини БМТда амал қиладиган олтита тилда тайёрлайди. Бу билан нима демоқчимиз, шубҳасиз, бу амалий иш ҳам ўз-ўзидан телевидениенинг вазифаларини кўрсатиб туради. Телевидениенинг илк кўринишлари десак, муболаға бўлмайди. Шундай экан, бугун барчамиз учун тасвирни сифатли кўрсатиб беришга ўз ўрни билан аҳамиятга эга бўлган телевидение инсонларга ҳар томонлама кўмак берувчи, бирлаштирувчи ҳамда ахборотнинг асл кўринишини кўрсатувчи ахборот восита ҳисобланади.

Севара ИШМУРАТОВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази умумий бўлим бошлиғи.

ҚУТЛОВ

Асака банк акциядорлик жамияти жамоаси

Она диёримиз аҳлини

2022 йил

билан самимий табриклаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди!

Қилаётган меҳнатимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимиз, юртимизга, оилаларимизга бахт ва омад олиб келсин!

ҚУТЛОВ

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ” МЧЖ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз, хусусан, Фарғона вилоятида шаҳар ва қишлоқларимиз кўрку қиёфасини замонавий шаҳарсозлик меъморчилиги анъаналари асосида янгилаш, аҳоли массивларида кўп қаватли уйлар қуриш, давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик жараёнларида фаоллик, фидойилик кўрсатаётган қурувчи-тадбиркорлар, ишчи-мутахассислар, барча ҳамюртларимизни

ЯНГИ – 2022 ЙИЛ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Шу фурсатдан фойдаланиб, соҳа ривожи йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган барча ҳамюртларимизга Янги йилда омад ва бахт, оилавий тинч-тотувлик, тадбиркорлик фаолиятида ривож тилаймиз. 2022 йил орзу-мақсадларимизни тўлиқ рўёбга чиқариш йили бўлиб қолишига тилакдошмиз.

Қурилиш саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш Фарғона вилоятининг “ўсиш нуқталари”дан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон тумани, Қувасой шаҳри тўлиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириляпти. Тадбиркорлик соҳасида яратилаётган имтиёз ва имкониятлар самараси сифатида “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси, барча ҳудудларда ташкил этилган кичик саноат зоналарида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, сифати яхшиланиб бормоқда.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ХОРИЖ

2021 ЙИЛ ЛИДЕРЛАРИ

Янги Зеландия бош вазири Жасинда Ардерн дунёнинг 1 рақамли лидери деб топилди. Фортуне журнали унинг коронавирусни жиловлашдаги стратегиясини олқишлаган. Мамлакатнинг 5 миллионлик аҳолисидан 2,7 мингдан камроғи вирус юқтирди, 26 тагина ўлим қайд этилди.

2 рақамли лидер эса “mRNA” молекуляр биологиясини яратган компания бўлди. Ҳозир дунёда энг самарали бўлган “Pfizer/BioNTech” ва “Moderna” вакциналари унга асосланиб яратилган.

3 рақамли лидерлик эътирофи эса “PayPal” тўлов тизими эгаси Ден Шулманга берилди. Бунда “PayPal”нинг пандемия даврида кенг қўлланилгани ҳисобга олинган.

ҚАРЗГА БОТГАН ДАВЛАТЛАР

Дунёнинг энг катта ташқи қарзга эга мамлакатлари эълон қилинди. Бу ҳақда “РИА Новости” хабар берди.

Қайд этилишича, рўйхатда Япония етакчи бўлиб, ушбу мамлакатнинг қарзи ялпи ички маҳсулотига нисбатан 234 фоизни ташкил этади.

Маълум бўлишича, ушбу кўрсаткич бўйича иккинчи ўринда АҚШ. Қарз ялпи ички маҳсулотнинг 160 фоизига, учинчи ўриндаги Буюк Британияда 144 фоизга ва Европа Иттифоқи ҳудудида 120,4 фоизга тўғри келган.

Мутахассислар таъкидлашича, дунёдаги барча мамлакатларнинг ўртача қарзи улардаги ялпи ички маҳсулотнинг 105 фоизига тўғри келган.

Йирик мамлакатларда давлат қарзининг бундай юқори кўрсаткичига қарамай, улар яқин келажакда қарзга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши эҳтимолдан йироқ.

Шу билан бирга, пандемия шароитида иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш чоралари бир қатор мамлакатларда инфляция ўсишига олиб келгани айтиб ўтилган. Хусусан, АҚШда истеъмол нархлари 5,4 фоизга ўсган бўлиб, бу сўнгги 13 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич.

ЯПОНИЯДА РЕКОРД ДАРАЖАДА ҚОР ЁҒДИ

Аомори префектурасида қорнинг баландлиги 2 метрга етган. Японияда кучли қор ёғиши натижасида транспорт ҳаракати издан чиқди ва минглаб хонадонлар электрсиз қолди. Бу ҳақда “The Watchers” хабар бермоқда.

Япон денгизи соҳилларида етти кундан бери қор ёғмоқда. Ҳукумат аҳолига заруратсиз уйдан чиқмасликни тавсия қилмоқда.

Мамлакатнинг айрим қисмларида парвозлар бекор қилинган ва транспорт ҳаракати издан чиққан. Маълумотларга қараганда, мамлакатда 3200 дан ортиқ хонадон электр таъминотисиз қолган.

ҲАЙКАЛ ТУФАЙЛИ НОРОЗИЛИК

Португалия футбол юлдузи Криштиану Роналдунинг Ҳиндистоннинг Гоа штатида ўрнатилган ҳайкали баҳсу, мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Мулозимлар бу ҳайкал билан ёшларни илҳомлантиришга умид қилишган эди. Ростдан, бир қарашда беғубор ният...

Аммо Гоа штати бир замонлар Португалиянинг мустамлака ўлкаси бўлган. Шу кунларда Гоа Португалиядан озод этилганига 60 йил тўлмоқда.

Танқидчиларнинг фикрига кўра, бошқа давлат футболчилари эмас, штатдаги маҳаллий футбол юлдузлари олқишланиши лозим.

Айниқса, Ҳиндистон жамоасининг бир неча ҳозирги ва собиқ юлдузлари шу штатда таваллуд топишган.

Маҳаллий аҳоли вакиллари “IANS” ахборот агентлигига “Роналдунинг ҳайкали ўрнатилганига хафсаламиз пир бўлди. Ўзимизнинг Самир Наик ва Бруно Коутинҳолар билан фахрланишимиз керак”, дейди.

“Times of India” газетасининг ёзишича, ҳайкал очилиши маросимида бир неча одамлар норозилик рамзи ўлароқ қора байроқларни кўтариб чиқишган.

Интернет маълумотлари асосида Камолиддин ДАВРОНБЕКОВ тайёрлади.

ЭССЕ

ИЗҲОР

Инсон — ишонувчан мавжудот. Энг эҳтиёткор, қув ва олғир киши ҳам кимнингдир изҳорига ишонади, кимнингдир изҳоридан алданади. Изҳорда ишонтириш ҳам, лақиллатиш ҳам бор. Ёмони — изҳорингни қабул қилмаганларида. Ҳайратлиси шундаки, уни яқинларинг илғамайди, илғаса менсимайди, гоҳо сендан нафратланиши ҳам бор. Илтижонг — кулгули, ўтинчларинг — ўкинчли, фарёдларинг — ўткинчи. Қўй, ялинма, дейман ўзимга ўзим. Изҳорни эшитгандан, изҳорни билдирган афзал, чунки биринчисида — дард сиздан йироқда, иккинчисида — дард яқинда; биринчисидан — истаган пайтингиз қутулишингиз мумкин, иккинчисидан — асло. Биринчиси — ўзганинг дарди, иккинчиси — ўзингизники. Демак, изҳорда дард мужассам, яширинган.

Нима учун инсон изҳорга эҳтиёж сезади? Севганида. Фикри тошганида. Яқинини бошқача кўргиси келганида. Нимадандир беҳад ўртанганида, аламларини тўккиси келганида. Одил, мард, инсон бўлғуси келганида...

Инсон умри, агар у чин инсон сифатида яшашни хоҳласа, мудом, изҳорлардан иборат. Изҳорлари туфайли у ижтимоий мавжудот, изоҳлари уни фаришта қилади, изҳорлари уни, антипотлари назарида, топтайди. Изҳорлар билан ғурурлангандан, изҳорлар билан топталган яхши. Изҳорларингизни тўкинг, адувларингиз томонидан топталинг, мен сиз (аслида ўзим)нинг топталганингизни кўргим келади. Чунки “топталган қайта тикланажак”.

“Дил изҳори” деган ибора бор. У кўпинча севган кишига нисбатан ишлатилади. Ҳа, севган киши дил изҳорига ҳожатманд. Рад этилган муҳаббати уни изҳорманд қилади. Бир кишини билардим. Рўпарамиздаги хонадонда яшарди. У якка, етмишдан ошган чол эди. Букчайиб, зўрға юрарди. Татар бўлгани учун барчага “сан”лаб, татарча, русча, ўзбекча аралаштириб гапирарди. Баъзан уни қайси тилда бидирлаётганини билмай қолардим.

— Мелай, тухта! Секрит бор мунда, — деди у мени уйимиз рўпарасидаги кафе олдида тўхтатиб. — Севирман, шу хотинни севирман.

У менга ёши элликка борган официант аёлни кўрсатди. Сочлари пахмол, кўйлаклари ғижим, чала ювилган доғлари бор фартукли аёл менда ғалати ўйлар уйғотди. Индамадим.

— Севирманда...

У мени қўлтиқлаб, чеккага тортди.

— Хотин улган, олти йил олдин. Я один, понимаешь. Женщина нужна! Хотин керак. Я один, устал. Женщина нужна!

Чамаси бир ҳафта ўтгач, ишдан қайтаётганимда қўшнимнинг ланг очиқ эшиги олдида тўхтадим. Унга бирор нима бўлди шекилли, деган ўй билан ичкарига мўраладим.

— Мен сени севирам, — дерди қўшним официант аёл этакларини қучиб. Унинг кўзларида илтижога тўла ёш ўйнарди. — Китма, прошу тебя. Китма!

Аёл тизза чўкиб йиғлаётган қўшнимнинг тепакал бошини силаркан ўтинди:

— Эрим бор, қололмайман...

Аёл йўлакка чиққач, ичкари хонадан қўшнимнинг, я один, один...улиб қоларам, деб ҳўнграб йиғлагани эшитилди...

Илтижо имкон амрида. Имкониятни ҳисобга олмайдиган илтижо изтиробли нидоларга айланади. Имконият ва вазият қонунлари изҳор истакларига беписанд, улар тўқнашганида биринчиси ёвузлик, иккинчиси ёвузлик қурбони тарзидаги ҳалимлик кўринади. Имконият ва вазият қонунлари--бешафқат, улар ҳар қандай илтижони ноўрин ялинишга, ожизона илинжга айлантириши мумкин. Лекин инсон дили мудом илтижо томонда.

Шеър — изҳор. Изҳорнинг чўққиси — алла. Шеър ва аллада келажакка аталган умид бор. Шу боис инсон уларга қулоқ тутади, гоҳо ўзи тўла англаб етмаган ажойибот кутади улардан.

Изҳорда индивидуал эмоционал-руҳий тажрибалар мужассам. Шу боис изҳор изҳордан йироқ, улар бетакрор шахсий кечинма, ҳолат сифатида қабул қилинади. Ким изҳорни англаса инсонни англайди; ким изҳорни англашдан узоқ у инсонни англашдан узоқ. Изҳорнинг жўшқинлиги эҳтиросларнинг жўшқинлиги боис. Заиф, сўник изҳорда эҳтиросларнинг жўшқинлиги йўқ. Чин дилдан севган жўшқин эҳтиросларга банди юради, шу боис унинг изҳорлари пўртанадек отилишга шай туради. Биламан, эҳтиросларнинг адаштиради, рационал ундан қочади, хаёл уни мавҳум узоқликларга олиб кетади. Изҳор ва эҳтиросларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар опа-сингил, севсангиз, иккаласини ҳам севишга мажбурсиз.

Изҳор — фикр. У фикрнинг боши ҳам эмас, охири ҳам эмас, у фикрнинг ўртаси. Жўшқин, фикр фикрларга уланган қисми. Мутлақ якка фикр йўқ, фикр фикрлардан униб чиқади ёки фикрларга уланиб келади. Ушбу униб чиққан ёки уланиб келган фикрнинг жўшқин, эҳтиросларга бурканган қисми изҳорга айланади. Ҳар бир фикр изҳор эмас, аммо ҳар бир изҳор фикрдир.

Таҳқирланган изҳор нозик дилни ё шоир қилади, ё — қотил. Аламли кечинмалар ўртаганида киши уларни кимгадир айтгиси, ўзига ҳамдард топгиси келади. Ушбу ички истак инсоннинг ижтимоий мавжудотлигидан. Аслида бундай киши ўзига ҳамдард топавермайди. Изҳор ўта индивидуал эмоционал-руҳий ҳодиса бўлгани туфайли уни ҳамма ҳам тинглайвермайди, агар тингласа, ҳамдард бўлавермайди. Лекин дардманд дил изҳор истайди, унга аламини кимгадир айтиш муҳим. Бу истак гоҳо изҳордаги ҳалимликни аламзадаликка айлантириши мумкин. Бу ҳолда изҳор туб моҳиятини ўзгартиради.

Одил, мард, инсон бўлиш туйғуси борлиги туфайли инсон изҳорлари олийжаноб. Инсон изҳорларида адолат излайди, мардликни шарафлайди, инсонийлик кутади. Изҳордаги ҳалимликда ушбу гуманистик интилишлар мужассам. Бироқ адолат, мардлик, инсонийлик ҳалимлик доирасида қололмайди, улар реал, барчага таъсир этадиган, социал норма ва куч бўлмоғи ҳам керак. Изҳор одил, мард ва инсон бўлиш туйғусини нозиклаштириш кучига эга, бу билан у ижтимоий воқеликка айлангиси келишини аён этади. Менинг фикримча, ҳалимликни социал норма ва кучдан фарқлаш зарур. Изҳор ҳалимлиги социал норма ва кучга таянишга мажбур, ҳалимликка хос юмшоқлик нозик фазилатдан бошқа нарса эмас, ҳаёт жўшқинлиги ва бедиллиги ҳалимликка, юмшоқликка ўрин қолдирмайди. Ушбу ташқи талаб ички, индивидуал эмоционал-руҳий воқелик — изҳорни батамом маҳв қилмайди, қилолмайди. Муаммо изҳорнинг муҳим ички маънавий-руҳий куч ва бадиий-эстетик объект сифатида сақлаб қолишдадир. Механизация ва рационализация асри уни инсон дилидан сиқиб чиқармаса бўлди...

Виктор АЛИМАСОВ, профессор.

Agrobank

"Agrobank" ATB jamoasi
yangi 2022-yil bilan barcha
yurtdoshlarimizni samimiy tabriklaydi.
Yangi yil bayramingiz muborak bo'lsin!

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАР

СЎҚИР АЁЛ

“Тиқ-тиқ, тиқ-тиқ...” Онам бу товушни ҳаммадан илгари илғайди. “Қара, эҳтиёт бўлиб туринглар, Аллоҳнинг бир ожиз қули келаяпти, мабодо дилини оғритиб қўйманглар,” деб, дарров сўрига кўрпача ёзади. Сўнгра югуриб бориб, ёши олтмишларга яқинлашган, кўзларининг ўрнида чуқур чандиқ, эгнидаги усти боши уринган, қора камзулининг у ёқ, бу ёқларига тупроқ теккан аёлни етаклаб келади. “Ҳовлимиз ҳам бор бўлсин, манови тошлардан эҳтиёт бўлинг. Қоқилиб кетманг. Менга суяна қолинг...” Онам гўдакни авайлагандай сўқир аёлни сўрига ўтказади. Сўқир аёлнинг кўзларидаги кўз ёшми, терми ажратаолмайман, кўрпачага ўтириб қўлини дуога очади: “Илоҳо, Меҳриниса, тани жонинг соғ бўлсин, умринг узоқ бўлсин. Фарзандларингнинг роҳатини кўр. Менинг кўнглимга қарадинг. Худо сенинг кўнглингга қарасин...” Онам бошини жимгина эгиб, ихлос билан дуога қўл очади. Кейин тезлик билан дастурхон ёзиб, қозонда қайнаб турган “шулон шўрва”ми (онамнинг таъбирича) аёл олдига сузиб қўяди. Ёз пайтида аёл учун алоҳида шакароб қилинади.

Бир куни кечки томон овқатланиб ўтирсак, аёл кириб келди. Одатдагидек, шакаробни олдиларига қўйсак, озгина еб, қўллари билан тўғралган пиёзни ушлаб кўрди. “Бугун аччиқ-чучукни ким қилди, пиёзи қалин тўғралибди. Менга Ўринбой қилган аччиқ-чучук ёқади. Айтинглар, менга ўзи тайёрлаб олиб келсин”, деди. Ҳамма бир-бирига ялт этиб қаради. Акам қўлини ошдан тортиб, тезгина сочиққа артди-да, бир зумда пиёзни ипакдек тўғраб, шакаробни аёл олдига олиб бориб қўйди. Аёл мамнунлик билан шакаробдан, ошдан ер экан, кўзларининг ўрнидаги чандиқдан, билмайман ёшми, сувми оқарди. Аёл бизникига ҳар куни деярли бир вақтда – овқат пайтида келарди. Айтишларича бошига кулфат тушгандан сўнг бошқа вилоятдан бизнинг томонларга келиб қолган экан.

Онам бир куни мени етаклаб бозорга олиб тушди. “Юр, бир кийимлик “иштампил” олайлик, Фотма она кеча келганида кўзим тушди. Кўйлаги эскириб кетибди”. Газламалар сотиладиган дўконга борар эканмиз, онамнинг усти-бошига қарадим. Нимдошгина кўйлак “мени ҳам янгила” деб турарди. Ҳозирги пулни акам етмак қазигани борганида топган даромадидан онамга кийим-бош учун берган эди. Дўкон эгаси турли газмолларни олдимизга ёйиб ташлади. “Иштампил” оладиган онамнинг фикри ўзгарди. “Айланай, иним, манови материалингиз яхши экан. Жуда қимматмасми, шундан бир кийимлик беринг.” Узоқ савдолашувлардан сўнг дўкондор онам айтган нархга зўрға кўнди. Онам газмолни ушлаб, ўзида йўқ хурсанд эди. Биз ўша куни уйга кирмай, тўғри Ҳиммат кеннойимникига бордик. Ҳиммат кеннойим жонажон қўшнимиз, айни пайтда тикувчи ҳам эди. Газмолни кўриб, оғзилари очилиб қолди. “ Вой, Меҳри кеннойи, мунча чиройли, ўзингизгами?” Онам кулди. “Йўқ, бир яхши аёлга.” “Ўлчовини олмасам, қандай қилиб тикаман?” Шунда онам чўнтагини кавлаб, битта ўралган қоғоз чиқарди. Унинг ичида ўлчам олинган иплар бор эди.

Бу орада кўйлак битди. Ёш боламан, ҳаяжоним ортгандан ортарди. Кеч кирди. Яна ўша таниш “тиқ-тиқ” овози қулоққа чалинди. Онам ўзгача кайфият билан Фотма онага пешвоз чиқди. Сўқир аёл бугун қаттиқ чарчаган, зўрға нафас оларди. “Кун ёндираман деяпти, Меҳриниса, — деди аёл, — томоғим қуриб кетди, бир пиёла муздаккина сув бергин.” Онам дарров аёлга бир коса муздек сув тутди. Фотма она сувни ичиб роҳатланди, тамшанди, ўзини бироз елпиди. Кейин секингина “Одамзоднинг боши, Оллоҳнинг тоши экан, ажал ҳам келмади-я, деди хўрсиниб. “Ундоқ деманг, куфр бўлади, — онам Фотма онани юпатди. — Нима бўлди, кимдир сизни хафа қилдими?”. “Ўйнаб юрган болаларнинг ичида биттаси бор экан. Қолганлари доим салом беради, етаклаб олиб келиб қўяди. Ўша бола ҳассамни тортиб олиб сарсон қилди. Кейин бир ўтиб кетаётган яхши одам болани роса уришиб, ҳассамни олиб бериб, кечирим сўради. Она, кўнглингиз оғримасин, ҳали бола-да”, деди. Мен-ку хафамасман. Аммо сўқир одамнинг кимга кераги бор. Ортиқча ташвиш. Ўзимга қолса, кўзим кўр бўлсин, дебманми. Тўлин ойдек эдим, оилам, болаларим бор эди. Бахтли эдим. Бир кечада бошимга шу ишлар тушди. Бир-бири билан қирпичоқ бўлаётган иккита одамнинг ўртасига тушиб, уларни ўлимдан айириб қолдиму, ўзим кўзимдан ажралдим. Қўшнининг қўлидаги пичоғини тортиб олиб, бурилганимни биламан, иккинчи одам мени бор кучи билан итариб юборди ва мен рўпарамдаги дарахтга урилганимда, иккита қуриган шохи икки кўзимга кириб, гавҳарларим оқиб кетди. Эрим бир куни кимгадир, “бу сўқир билан қандай яшайман, болаларга ҳам қийин бўлди,” деганини эшитганимдан сўнг бир кечада ҳеч кимга билдирмай, пайпасланиб қадрдон уйимдан чиқиб кетдим. Оллоҳнинг тақдири экан бу жойларга келиб, яхши одамларникида туз-насибамни еб ўтирибман.”

Онам ўша куни сўқир онанинг кўнглини узоқ олди, қўшилишиб йиғлади. Орқаларини силади. Калишларини ювиб қўйди. Қайта-қайта қайноққина чойлар дамлаб берди. “Энди бу кеча бизникида қоласиз, Фотма она, — деди онам. — Мен ҳам қизингизман ахир.” “Иложим йўқ, Меҳриниса, — деди сўқир аёл, — ўзимга ўхшаган бир ғариб бор. Бормасам, у хафа бўлади.” “Унда шошмай туринг, деди онам, — сизга озгина атаганим бор. Битта кўйлак тиктирувдим киясиз, деб”. Фотма она шошиб қолди. Онам айланиб, ўргилиб сўқир онага кўйлакни кийгазди. Либос сўқир аёлнинг кексалигини бирдан ўн йиллар нарига отиб юборди. Қаршимизда тўкис аёл турар, фақат кўзлари кўрмасди. Аёл кўйлакни пайпаслаб ушлаб кўрди, юзларига кулгу югурди. Индамай онамни қучоқлади. Шу пайт кўча эшигимиз қарсиллаб очилиб, бир одам важоҳат билан кириб келди ва сўқир аёлни қучоқлаб, ҳўнграб юборди. “Опа, опажоним, жоним жигарим, дийдорингизга шунча зор қиласизми, сизни қидирмаган жойимиз қолмади-ку. Ўша иблис эрингизга керак бўлмасангиз мана бизга кераксиз, опа. Мана, мени уринг, ўлдиринг, фақат кетиб қолманг опа, сизни топгунча жигарларим ситилиб кетди-ку”. Фотма она ярадор йўлбарсдек тўлғонаётган йигитнинг юз-кўзини титраб силар экан: “Ахири, топиб келибсан-да, укажоним. Энди ўлсам ҳам майли. Ўлигим сарсон бўлмайди. Мени кечир, жоним. Мени кечир”, деди хирқираб. Йигит шоша-пиша кўзларини артиб, “Кеннойи, опамни сизларникида дейишгани учун ўзимга сиғмай чопдим, кўзимга ҳеч нима кўринмади,” – деди узр сўрагансимон. “Бу оилада қалбимнинг бир парчалари яшайди, — деди Фотма она. – Дунёда яхшилар кўп, иним. Меҳринисо менинг қиёматлик қизим. Мен ўтиб кетганимдан кейин ҳам қизимни, бу оилани унутмагин, то қиёмат қадар нон-туз ҳақи бор.”

Чиройли кўйлакда, жигари елкасидан қучоқлаб олган аёл ҳассани дўқиллатиб уйимиздан чиқиб кетар экан, онам ғалати бўлиб қолди. Ҳассанинг “Тиқ-тиқ, тиқ-тиқ”, “дўқ-дўқ, дўқ-дўқ” деган товушлари гўё хонадонимизни дуо қилганча абадиятга кетиб борарди...

Шарифа САЛИМОВА

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Шарифа САЛИМОВА 1951 йил 30 декабрда Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган.

1993 йил “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони, 2018 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган.

Шоиранинг 1979 йили илк шеърий китоби “Ҳаёт завқи” чоп этилган. Сўнгра “Менинг баҳорим”, “Етти оққуш” (1991), “Ҳизр булоғи” (1996), “Гиёҳлар билан тиллашган инсон” (1996) “Аёлга эҳтиром” (1999), “Тонгга қасам” (2001), “Гиёҳлар билан тиллашиб тоғ ошаётган одам” тўпламлари (2007), “Олимлик ва одамийлик” (2011), “Ватан суврати” (2011), “Вафонинг иффат йўли” (2016), Кибриё Қаҳҳорова ҳақида тўплам, “Қувноқ алифбо” туркумидан “Ҳайвонот оламига саёҳат” (2016), “Бедор тун томчилари” (2018), “Қушлар алифбоси” (2021) каби китоблари чоп этилган. Асарлари озарбайжон, тожик, рус, қорақалпоқ, немис тилларига таржима қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

ТОШЮВГАН

Баҳор келди. Илиқ кунлар бошланди. Акам оиласи билан Қорақалпоқ боғдорчилик совхозининг Бешинчисой бўлимига деҳқончилик қилиш учун кетди. Энди биз болаларга “кун туғди”. Ҳафта охирлаши билан “далачи”ларга аталган ризқни кўтариб, йўлга тушамиз. Паркент марказига тушгач, автобусга ўтирамиз. Совхозгача йигирма тийинлик йўл. Тиқилинч автобусда одамлар орасидан қўлимизда нарса тўлдирилган челакни амаллаб тортиб оламиз. Нон тугилган оқ сурп рўмолни маҳкам бағримизга босамиз. Белгиланган манзилга етгач, автобусдан тушиб, қайдасан Бешинчисой, деб яёв йўлга тушамиз. Йўл узоқ, акамнинг олдига етиб бориш учун, Учинчисойдан ўтиш керак.Учинчисойга зўрға тушда етиб борамиз. Борамиз-у, у ёғига юришга қўрқамиз. Айниқса, мен. Учинчисой бошланишидаги йўл чеккасига узун ва қалин қилиб экилган акация дарахтлари юракка ваҳима солади. Орқаси боққа туташиб кетган бу жойда ғалати сирлилик бор. Бир қўлимда челак, бир қўлимда нонни кўтариб аста қадам ташлар эканман, худди дарахтлар орасидан эртаклардаги девлар, жодугарлар чиқиб келаётгандай бўлаверади. Туш пайти бўлгани учун шунақа сукунат бўладики, дод деб юборгинг келади.

Кейин баланд қирлар бошланади. Қўрқинчли сой орқада қолади. У ёғи озроққина йўл. Бизни узоқдан кўрган келинойим шошиб қолади. Югуриб келиб, қўлимиздан юкларни олади. Бағрига босиб, у юзимиздан, бу юзимиздан ўпади. Тушликка келиб, Ҳамдамариқ бўйида бир пиёла чой ичаётган акам хушнуд жилмаяди. Юз-кўзлари қувончдан порлайди...

Ёзги таътилга чиққач онам опам билан мени “келинойингга қарашасан, бу ерда бекор юрмаларинг, деб далага ҳайдади. Мен, онамга ўрганган бўталоқ – тўртинчи синф ўқувчиси қанча ҳаракат қилмайин, қолишнинг сира иложи бўлмади. “Болани ушлаб турсанг ҳам ҳарна фойданг тегади. Далада ишлашнинг ўзи бўлмайди”, деди онам. Ноилож далага кетдим. Ҳандалаклар бўйи уфурган, пайкалларда қовун-тарвузлар Паркентсой тошларидек юмалаб ётган, бошидан-охиригача ўтоқ қилиниб, сувлари жимиллаган сабзи-пиёзли эгатлар. Бир томонда бодринг, бир томонда помидор... Бир томонда райҳон, садарайҳон, ўсма, хинолар. Бир томонда оқиб ётган Ҳамдамариқ канали сокин, улуғвор. Айниқса, ой шуъласида балиқчаларнинг сакраб, яна сувга “чўлп-чўлп” этиб қайтиб тушиши, акамнинг сеҳрли эртаклари, жиянларимнинг илжайганда кўриниб кетадиган атиги икки донагина тишчалари... Келинойимнинг ўзи туташ қошларига эринмай ҳар куни ўсма қўйиши ва биз қизалоқларга ҳам меҳр билан қўйишлари...

Хуллас, бетўхтов иш ва ва бир чимдим ҳордиқ, ерталаб уйқудан аранг кўз очишлар бошланди. Жиянларим қоракўз ва жуда шўх. Майда ўрилган сочларим қўлига тушса бир тортади, жон ҳолатда амаллаб қўлидан ажратиб оламиз.

Акам зарур иш билан Паркентга тушиб келадиган бўлди. “Мен келгунча қўрқмай ўтиринглар. Сал кеч қолсам, хавотир олманглар. Қўрғонда қолмайман, келаман”, деб тайинлаб кетди. Биз кун бўйи белгиланган ишларимизни бажардик. Келинойим пиёзли нон ёпди. “Акангиз яхши кўради,” деб хамир солди.

Кун ботди. Шип-шийдам далалар тун зулматида юрагимизга ваҳима солди. Келинойим ўтириб, секингина йиғлай бошлади: “Акангиз қандай қилиб бизларни ёлғиз қолдириши мумкин? Йўлдош ака(каналнинг нариги томонидаги қўшни) ичиб келиб яна анов кундагидек қўрқитса-чи?”. Ўша куни аксига олиб ҳар куни осмонга чиқадиган ой ҳам йўқ эди. Ҳамдамариқнинг шалоплаши, сув каламушларининг қитир-қитири қўрқувни баттар кучайтирарди. Бир маҳал узоқдан зўрға судралиб келаётган соя кўзимизга чалинди. “Айтдим-ку, келинойимнинг пиқиллаб йиғлаши яна кучайди. Акангиз бунақа юрмайди. Энди нима қилдик?” Шарпа бизга жуда яқинлашди. Не кўз билан кўрайликки, боши ёрилган, юзлари моматалоқ, ўнг қўлини оқ рўмол билан бўйнига осиб олган, кўйлагининг енглари йиртилган акам эди. Келинойим бирдан йиғидан тўхтаб: роса ичиб,калтак едингизми? – деди қаҳрли товушда. Акам эндигина чиқаётган ғира-шира ой нурида базўр илжайди. “Яшавор-ей, мен нима дейману, қўбизим нима дейди, деган экан донолар. Усти очиқ, буғдой тўла тез юриб кетаётган машинадан йиқилдим. Тирик қолганимга шукур қилмайсанми”

— Вой, қандай қилиб буғдой ортилган машинанинг устига чиқиб қолдингиз. Биз бараварига акамни саволга кўмиб ташладик.

— Ўринбой, шу буғдойга қараб кетгин, машина адашиб бошқа жойга бурилиб кетмасин, деб катталар илтимос қилувди. Машинага чиқиб, буғдойнинг ичида маза қилиб ётиб кетаётган эдим. Тошювганга етганимизда тинчгина кетаётган машина бирданига йўл чеккасига чиқиб кетиб, дарахтга зарб билан урилди. Мен бортовой машинадан қандай қилиб отилиб чиқиб кетганимни билмайман, мен билан қўшилиб икки-уч тоннага яқин буғдой ерга тушди. Мени ўша буғдойлар асраб қолди. Бўлмаса бугун мени тирик кўрмаган бўлардинглар...

Паркентда гап ётмайди. Тонг саҳарлаб онам етиб келди. Акамнинг бош-кўзларини силаб, Худога ёққан жойинг бор экан, ўзи паноҳида асрабди, деди маъюс. Кейин у жойлардан шундоқ ўтиб кетиб бўлмайди, иложи бўлса тўхтаб, дуойи фотиҳа қилиб кейин кетиш керак. Ўзи ўша ерда доимо албатта бирор фалокат юз беради...

Мен эртасига онам билан уйга қайтдим. Онам ҳамон ўзига келолмас, йўл бўйи фалокат юз берган жой ҳақида гапирарди. Автобус ҳадеганда келавермагач, йўл машинага миндик. Паркентга кираверишдаги бир жойга етганида онам: иним, бизни шу ерда қолдиринг, деди. Ҳайдовчига пул берган эди олмади. Шу бир қадам жойга ҳам пул оламанми, уят бўлади, опа, деди у астойдил ранжиб.

Онам машина кетгач, қўлимдан етаклаб олди. “Қани, йўлнинг бу томонига ўтайлик. Сен энди катта бўлиб қолдинг. Ўзинг туғилиб ўсган юртнинг одамлари, тарихини билишинг керак. Бегоналар учун қизиқ бўлмаслиги мумкин. Бироқ, Паркентимизда бир-бирига бегонанинг ўзи йўқ. Мана бу уйилган тошларга қарагин. Одамлар учун у оддий тошлар уюми. Лекин нега уни халқ Тошювган деб атайди.

30 - йилларнинг бошида Паркентда ҳам бутун мамлакатда бўлгани каби миллатнинг энг асл фарзандлари “қулоқ” қилинган, мулклари тортиб олинган, Сибирга сургун қилинган. Қозонда қайнаб ётган овқатларигача ағдариб, уй эгаларини ўз уйларидан тепиб чиқарган. Бўҳтонлар билан Тоштурмаларда чиритиб юборган.

Шундай кунларнинг бирида Паркентга шаҳардан Аҳмад мўйлов (Аҳмад қорақош) деган одам давлат вакили бўлиб келган. Зардали, дўппи деса бош олиб келадиган бу одамдан Паркент халқининг юраги зириллаган. У ҳамма жойда ўз ҳукмини юргизишга эришган. Одамлар билан ихтилофга борган, қаршилик қилганни турли йўл билан синдирган.

Юз кўзларидан нур томган, зиёли, табиатан ҳалим Сайдаҳмад эшон ўша пайт имом хатиб бўлган. Эшоннинг эл орасидаги мавқеи вакилга ёқмаган, тортишув чиқариб, Саидаҳмад эшонни йўқ қилиш пайига тушган. Баҳона топиб қаматган. Сўнгра учта милиция ходими – икки паркентлик ва бир рус йигити етовида Сайдаҳмад эшонни Тошкент қамоқхонасига жойлаштириб келасизлар, деб жўнатиб юборган. Паркент кўчаларидан ялангоёқ оқ яктақда милициялар қуршовида кетаётганини кўрган одамлар бўлган. Халқ эшон ортидан бўтадай бўзлаб йиғлаган. Бироқ қабоҳатнинг узун қўллари яна бир инсоннинг ҳаётига чанг солган. Худди шу ерга келганда миршабларнинг нияти бузилган. Илмда камол касб қилган инсонлар кўзни юмиб ҳам бўлгуси воқеани қалб кўзлари билан кўра олади. Сайдаҳмад эшон тўхтаган. Таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиб олай, деб уларга юзланган. Намоз ўқиётганида миршаблар орқасида жаллоддай турган. Намоз якунида ўнг томонга қараб салом бераётганида бир миршаб, чап томонига қараб салом бераётганида яна бир миршаб ўқ узган. Саидаҳмад эшоннинг оппоқ яктаклари алвон қонга бўялган. Қиблага қараб ўтирган бул зот, эслашарди улуғлар, гўё бир даста нурдек ёруғ эди. Сайдаҳмад эшон сўнгги кучини тўплаб уларни дуойибад қилади. Айни шу пайтда рус миршаби унинг бошига ўқ узади.

Эшон буванинг қони ўз она юртининг тупроқларига тўкилди. Майса бўлиб кўкарди, гул бўлиб очилди, дарахт бўлиб мева тугди, Паркент осмонида дуо бўлиб элни балолардан асради. Халқнинг бутун вужуди кўздан иборат, қизим. Бу кўзлар тарихнинг қил томиригача равшан кўра олади. Ёмонлик қилганлар, қотиллар ал қасосул миналҳақ, деганларидек тез ўтмай ўз жавобини олишганини халқ ҳозиргача гапиради. Сайдаҳмад эшоннинг дуойибади Ҳақ даргоҳида қабул бўлган, дейишади.

— Бу йўллардан эҳтиёт бўлиб, покиза виждон, имон билан ўтганлар ҳақига дуо қилиб ўтиш керак, — деди онам тиловат қилиб бўлгач. Мен йўлим тушганда шундай улуғ жойларга тез-тез бориб тураман. Аканг болалик қилибди-да.

Онам билан мен ўрнимиздан оҳиста туриб, Паркент йўлига тушдик. Пиёда кетарканмиз, болаликда отам ва онам олиб борадиган зиёратгоҳлар, улкан издиҳомлар ёдимга тушди. Юрагимнинг тубида нимадир шивирлаётганга ўхшар, ғалати алпозда эдим. Онамнинг рўмоли шабадада ҳилпирар, ўзи қоматини тик тутиб, узоқдан кўринаётган Чотқол тоғлари томон қадам ташлаётгандай эди. Онам қўлимни қисди. Ялт этиб қарадим. — Тоғларни кўрдингми, — деди нигоҳи билан уларни кўрсатиб. Ҳа, — дедим мен болаларча соддалик билан. — Уларни ҳеч қачон ёдингдан чиқармагин, улар аждодларингдир.

Мен индамай онамнинг оёқларини қучоқлаб олдим.

САНЪАТ

ТОШЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

Хоразм воҳаси истеъдодли тасвирий санъат усталари ва ҳунармандлари билан машҳур. Шулардан бири Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Шавкат Усмоновдир. Бу йил у 80 ёшни қаршилади. Ш.Усмонов тасвирий санъатнинг энг машаққатли турларидан бири ҳайкалтарошлик соҳасида ижод қилиб келаётган истеъдодли ижодкорлардан бири ҳисобланади.

Ҳайкалтарошлик уч ўлчамли ҳажмда тасвирланадиган тасвирий санъат тури ҳисобланади. Ҳайкалтарошликнинг нафис санъатдан фарқи шундаки ҳар томондан томоша қилиш мумкин. Ҳайкални бу хилда кўриш натижасида унинг тасвир кучи янада ошади.

Шавкат Усмонов ҳайкалтарошликнинг маҳобатли ва дастгоҳли ҳайкалтарошлик соҳасида самарали ижод қилган ҳайкалтарош сифатида бутун республикага танилган. Маълумки, монументал ҳайкалтарошлик — муҳим тарихий воқеаларга, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, атоқли шахслар, рассом, ёзувчи, шоирлар, олимлар, фан арбоблари ва тарихий шахсларнинг хотирасига бағишлаб ишланади. Бундай ҳайкаллар катта, очиқ майдонларга, кўча бошларига қўйилади.

Шавкат Усмоновнинг маҳобатли ҳайкалтарошлик асарлари Урганч шаҳрида, вилоятнинг турли туманларида қад ростлаб турибди. Ҳайкалтарошнинг Абулғози Баҳодирхон, Аваз Ўтар, Огаҳий, Комилжон Отаниёзов, Алишер Навоий ҳайкаллари бюст шаклида яратилган. У яратган маҳобатли ҳайкаллари ўзига хос пластик ечимда ишланганлиги билан ажралиб туради. Шавкат Усмонов асли хивалик бўлиб жуда ёшлигидан рассомчиликка қизиқа бошлади. Ўрта мактабни битириб Тошкентдаги П.Беньков номидаги рассомлик билим юртига кириб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Ф.И.Гришченко раҳбарлигида ўқий бошлади. Билим юртидаги диплом ишида Хива ёғоч ўймакорлиги бобокалони Ота Полвонов бюстини яратди.

Бу асарни давлат имтиҳонида комиссия юксак баҳолади. Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлади. Кейин Тошкент театр ва рассомчилик институтининг ҳайкалтарошлик бўлимига кириб, ўқишни давом эттирди.

Ҳайкалтарошнинг севимли мавзуси Хоразм шоирлари ва халқ амалий санъати усталари, мутафаккирлари бўлиб қолди. У институтда диплом иши учун Паҳлавон Маҳмуд ҳайкалини яратишни ўз олдига мақсад қилиб олди. Бу ҳайкални яратиш учун кўп изланди, Паҳлавон Маҳмудга оид материаллар ва шоирнинг шеърлари билан танишди, ўрганиб чиқди. Ҳайкалтарош Паҳлавон Маҳмуд кураш олдидан хаёлга чўмиб, тиззасига қўлини қўйиб ўтирган ҳолатини тасвирлайди. Афсуски, бу ҳайкал ҳеч қаерга ўрнатилмади, чунки буюртмачи бўлмаган.

Урганч отчопарида ўрнатилган “Чавандозлар”, Огаҳий номидаги мусиқали драма театри учун Огаҳий образини яратиш устида узоқ вақт изланди. Шоирнинг ҳаёти ва у ҳақидаги маълумотлар билан танишди, унинг шеърларини мутолаа қилди ва ниҳоят ҳайкалтарош Огаҳийни эгнида пўстин ташлаб қўлидаги китобни тиззаси устига қўйиб, хаёлга чўмиб ўтирган ҳолда тасвирлади. Ҳайкалтарош бу асарни зўр маҳорат билан ишлаган. Унда Огаҳий образини тўла намоён қилишга муваффақ бўлган. Кейинчалик бу ҳайкал қаттиқ материалга кўчирилди. Огаҳий ҳайкали ечим шакли жиҳатидан монументал характерга эга.

Ижодкор дастгоҳли ҳайкалтарошлик соҳасида самарали ижод қилади. Дастгоҳли ҳайкалтарошлик — мустақил мазмун ва сюжетга эга бўлган, санъатнинг бошқа турларига кирмайдиган, кўргазма заллари, уйлар, корхона, ўқув-жамоат жойларига қўйиш учун ишланган ҳайкаллардир. Бундай ҳайкаллар кичикроқ ҳажмда бўлса-да, унда инсон психологияси ва ички кечинмалари ўз ифодасини топади. Шу боисдан бундай асарлар ғоят нозик ҳис-туйғулар билан ифодаланган бўлади. Шавкат Усмонов 50 дан ортиқ дастгоҳли ҳайкалтарошлик асарларини Урганч суратлар галериясига совға қилган.

Яқинда Ўзбекистон замонавий санъати музейида устоз Шавкат Усмоновнинг ҳаёти ва ижодига оид фотокўргазма ташкил қилинди. Шу кўргазмада ҳайкалтарошнинг асарлари намойиш қилиниб, шунинг фонида Шавкат Усмоновнинг 80 йиллиги нишонланди. Кўргазмада кўплаб санъат ихлосмандлари, яқин дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари, талабалар иштирок этди. Устозга ижодий ишларига омадлар тилаб, ҳеч қачон илҳом парилари тарк этмаслигини, юзларга кириб юришини тилаб қоламиз.

Кўргазмада шунингдек, санъатшунос, фотограф Озод Султоновнинг Шавкат Усмонов ижоди ҳақида тайёрланган бадиий фотолари ҳам намойиш қилинди. Ҳозирги кунда ҳам серғайрат ижодкор Ш.Усмонов Урганч ихтисослаштирилган санъат мактабида ёшларга бадиий санъат соҳасида таълим бериб, шогирдлар тайёрлаб келмоқда.

Гулчеҳра СУЛТОНОВА,
СамДУ ўқитувчиси.

ТАБАССУМ

КАМРОҚ ИЧИШ КЕРАК

Уч оғайни суҳбатлашиб қолишибди:

— Мен ўтган йили Янги йилни Гавая оролларида кутиб олгандим.

Иккинчиси:

— Мен эса, океан тубида кутиб олганман. Ажойиб бўлганди...

Учинчиси:

— Иккаловинг ҳам мен билан чойхонада кутиб олгансан! Камроқ ичиш керак эди!

ОРЗУ

Талабалар қаттиққўл ўқитувчисига Янги йилга совға беришмоқчи:

—Домлажон, сизга нима совға қилсак бўлади?

—Менга ҳеч нарса керакмас!

—Айтақолинг, бирор орзуингиз бордир ахир...

—Ягона орзуим, сизлар менинг талабам бўлганингизни ҳеч ким билмасин!

АЛАМ ҚИЛАДИ, АММО...

Бўйдоқ йигитга ота-онаси дебди:

— Дўстларингнинг ҳаммаси уйланди. Оиласи, хотини бор. Сенга алам қилмайдими?!

Йигит дебди:

— Жуда алам қилади. Лекин нима қилай, уларга ёрдам бериш қўлимдан келмайди!

ҚОРБОБО ЭМАС!

31 декабрь. Бир қизалоқ “Тез ёрдам”га қўнғироқ қиляпти:

— Алё дўхтир тезроқ келинг, дадамнинг мазаси қочгандек... Қизил кийим кийиб, пахтадан соқол қўйиб олган, мен Қорбобоман деяпти!

МЕҲРИБОН ЎҒИЛ

Ўқитувчи:

— Валижон, кундалигингни ота-онангга кўрсатдингми?

Ўқувчи:

— Йўқ, устоз!

Ўқитувчи:

— Нега?

Ўқувчи:

—Ота-онамнинг саломатлиги мен учун жуда муҳим!

Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ тўплади.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 8 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 3008
Буюртма — Г-1250
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топширилиш вақти — 21[00]
Топширилди — 02[45]

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: К. Рўзиматов. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.